

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**“ТЕХНИКА” ФАКУЛЬТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

“Тасдиқлайман”
“Техника” факультети
декани К.Қосимов

“ ” 2012 й.

“Ҳимояга қўйилди”
“Иқтисодиёт” кафедраси
мудирини Н.Халилов

“ ” 2012 й.

**“Қўрғонтепа туманида ишсизликнинг
хусусиятлари ва уни тартибга солиш йўллари”
мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Техника” факультети, “Иқтисодиёт” йўналиши
4-курс рус гуруҳи битирувчиси
Чингиз Абдуманнопович Мирзахонов

ИЛМИЙ РАҲБАР: А.Эргашев

МАЛАҲАТЧИЛАР: и.ф.н., доц. Г.А.Зуфарова
ассистент Д.Р.Маматурдиева

ТАҚРИЗЧИЛАР:

1.Қўрғонтепа туман Бандликка кўмаклашиш
ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
маркази директори:

М.Отабоева

2.Андижон вилояти Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш
Бош бошқармаси бошлиғи:

С.Юсуфов

АНДИЖОН-2012 йил.

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
“ТЕХНИКА” факультети, “ИҚТИСОДИЁТ” кафедраси,
“ИҚТИСОДИЁТ” йўналиши рус-гуруҳ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Иқтисодиёт” кафедраси
мудир Н.Халилов

“ _____ ” _____ 2012 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Мирзахонов Чингиз Абдуманнопович.

1.Битирув ишининг мавзуси: “Қўрғонтепа туманида ишсизликнинг хусусиятлари ва уни тартибга солиш йўллари”. 5-сонли “5” декабрь 2011 й. кафедра мажлисида маъқулланган.

2.Битирув малакавий ишни топшириш муддати: “ _____ ” июнь 2012 й.

3.Битирув малакавий ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар: Қўрғонтепа туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг уч йиллик статистик ҳисоботлари, илмий мақолалар ва тезислар.

4.Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати):

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ишсизлик хусусиятларининг назарий асослари.

Қўрғонтепа тумани меҳнат бозорида ишсизлик ҳолатининг таҳлили.

Янги иш ўринларини яратиш орқали ишсизликни камайтириш йўллари.

5.Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади):

1.3.1-расм. Ишсизликнинг туркумланиши.

1.3.2-расм. Ишсизликнинг турли мезонлари бўйича таснифи.

2.1.1-расм. Қўрғонтепа туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг бошқарув структураси.

2.2.1-жадвал. Қўрғонтепа тумани аҳолиси сони таҳлили.

2.3.1-жадвал. Қўрғонтепа тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига иш сўраб мурожаат этган фуқароларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш таҳлили.

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи (лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф. и. ш.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1.	Кириш	Г. Зуфарова Д. Маматурдиева	20.12.2011 й.	04.01.2012 й.
2.	Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ишсизлик хусусиятларининг назарий асослари	А. Эргашев	06.01.2012 й.	26.02.2012 й.
3.	Қўрғонтепа тумани меҳнат бозорида ишсизлик ҳолатининг таҳлили	А.Эргашев	28.02.2012 й.	16.04.2012 й.
4.	Янги иш ўринларини яратиш орқали ишсизликни камайтириш йўллари	А. Эргашев	18.04.2012 й.	04.05.2012 й.
5.	Хулоса	Г. Зуфарова Д. Маматурдиева	12.05.2012 й.	30.05.2012 й.

7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1.	Ишсизликнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни	10.01.2012 й.	
2.	Ишсизликнинг сабаблари ва турлари	17.01.2012 й.	
3.	Ишсизлик таснифи	25.02.2012 й.	
4.	Қўрғонтепа тумани бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази фаолияти ва бошқарув структураси	14.03.2012 й.	
5.	Қўрғонтепа туманида аҳоли, меҳнат ресурслари ва бандлик даражасининг ҳолати таҳлили	30.03.2012 й.	
6.	Туманда ишсизлик ҳолати таҳлили	18.04.2012 й.	
7.	Ишсизликдан ҳимоялаш сиёсати	04.05.2012 й.	
8.	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш-ишсизликни камайтиришнинг муҳим омили сифатида	05.05.2012 й.	

Битирув малакавий иши раҳбари: А.Эргашев _____(имзо)

Топшириқни бажаришга олдим: Ч. Мирзахонов _____(имзо)

Топшириқ берилган сана: 15-декабрь 2011 йил.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	5
1-БОБ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ишсизлик хусусиятларининг назарий асослари	8
1.1. Ишсизликнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни	8
1.2. Ишсизликнинг сабаблари ва турлари	15
1.3. Ишсизлик таснифи.....	21
2-БОБ. Қўрғонтепа тумани меҳнат бозорида ишсизлик ҳолатининг таҳлили.....	28
2.1. Қўрғонтепа тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази фаолияти ва бошқарув структураси	28
2.2. Қўрғонтепа туманида аҳоли, меҳнат ресурслари ва бандлик даражасининг ҳолатитаҳлили.....	37
2.3. Туманда ишсизлик ҳолати таҳлили.....	45
3-БОБ. Янги иш ўринларини яратиш орқали ишсизликни камайитириш йўллари.....	55
3.1. Ишсизликдан ҳимоялаш сиёсати.....	55
3.2. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш-ишсизликни камайитиришнинг муҳим омили сифатида.....	61
Хулоса ва таклифлар	67
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	75
Иловалар	78

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Қишлоқ аҳолиси бандлигининг шаклланиши фақат меҳнат бозорининг самарали ривожланиши ва иқтисодийнинг барча секторларида таркибий ислохотлар ўтказилиши асосидагина амалга оширилиши мумкин. Булар қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучининг саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларига, шахсий меҳнат фаолияти соҳаларига ҳамда шаҳар халқ хўжалигига оқиб ўтиши, ходимлар захираларининг шаклланиши ва уларнинг бозор механизмлари асосида сафарбар қилиниши ва қайта тақсимланиши жараёнини белгилаб беради.

Аҳолининг меҳнатда бандлигини таъминлаш ва ишсизликнинг олдини олиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этиб, ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида ҳар бир ҳудуднинг ўз ижтимоий-иқтисодий ва табиий шароитлари ҳамда имкониятларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат ресурслари тинимсиз ўрганилиб ва таҳлил этилиб борилиши талаб қилинади.

Туманда бозор шароитида аҳоли бандлигини ошириш борасида давлат ва нодавлат секторларида ишга жойлаштириш борасида аниқланган муаммолар ва камчиликлар қуйидагилардан иборатдир: иш билан таъминланишга муҳтож аҳоли сонинг ошиб бораётганлиги ва яратилаётган янги иш жойларининг меҳнат бозоридаги талабга нисбатан камлиги, қишлоқларда иш жойларини кўпайтириш имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмасли ҳолатлари ва бошқалар. Ушбу ҳолатлар минтақада меҳнат бозорини самарали ташкил этиш йўллари янада кучайтиришни тақозо этади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, “Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобидан 480 мингдан зиёд кишини ишга жойлаштириш, биринчи навбатда, корхоналар билан ҳамкорликда меҳнат шартномалари асосида касаначиликнинг турли

шакллари, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 210 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган”¹.

Бугунги кунда ечим талаб қилувчи асосий масалалар туманда аҳоли бандлигини ошириш учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий ва бозор инфратузилма объектларининг лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан фаол чора-тадбирлар кўриш, ишсизларни меҳнатга жалб этиш, банд бўлмаган ишсиз аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ва ўзларининг тадбиркорлик ишларини бошлаётган фуқароларга кўмаклашиш, йўл-йўриқ кўрсатиш, қишлоқ жойларда чорва молларини боқиш, банк кредитларини олишлари ҳисобига янги иш ўринларини яратишга кўмаклашишдан лозимдир.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Туманда меҳнат бозорига ҳар йили минглаб иш излаётган мурожаат этишини ҳисобга оладиган бўлсак, меҳнат ресурсларини аввало бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ишсизларни касб-ҳунарга қайта ўргатиш ва айти вақтда иш билан таъминлаш орқали меҳнат бозоридаги ҳолатни яхшилашга эришиш учун ишсизликни тартибга солишни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

- ишсизлигининг ижтимоий-иқтисодий мазмунига назарий баҳо бериш;
- ишсизликнинг сабаблари ва турларини кўриб чиқиш;
- ишсизликнинг таснифини ўрганиш;
- Кўрғонтепа тумани меҳнат бозорида ишсизлик ҳолати таҳлили қилиш;
- ишсизликни тартибга солишни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

¹ Каримов И.А. “2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади”.-“Халқ сўзи”, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434). 3-бет.

Битирув малакавий ишининг предмети-туманда иш билан бандлик жараёнлари, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг объекти. Ишнинг объекти сифатида Кўрғонтепа туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази олинган.

Битирув малакавий ишининг тузилиши: кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида, мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари келтирилган.

Биринчи бобда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ишсизлик хусусиятларига назарий асосларига баҳо берилган.

Иккинчи бобда Кўрғонтепа тумани меҳнат бозорида ишсизлик ҳолати таҳлили қилинган.

Учинчи бобда ишсизликни тартибга солишни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида эса объект мисолида фаолиятни ўрганиб чиқиб, таклиф ва тавсиялар берилган.

1-БОБ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида ишсизлик хусусиятларининг назарий асослари

1.1. Ишсизликнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни

Ишсизлик ва у билан боғлиқ муаммолар меҳнат бозоридаги ижтимоий-меҳнат муносабатларининг асосий мазмунини ташкил қилади. Ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад аҳолининг иш билан бандлигини яхшилаш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Жамиятдаги ишсизлик даражасини пасайтириш учун қўшимча ишчи ўринларини яратиш, уларни ишга тушуриш аҳолининг табиий ўсишидан орқада қолмаслиги керак.

Маълумки, Ўзбекистон дунё ҳамжамияти давлатлари ўртасида аҳолисининг жадал ўсиб бораётган билан ажралиб туради. Республикамиз аҳолиси сони ҳар йили ўртача 550-600 минг кишига, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони эса 250-300 минг кишига кўпаймоқда. Бундай вазият ўз навбатида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, бунинг учун эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш борасида узлуксиз иш олиб боришни тақозо этади. Акс ҳолда, аҳолининг турмуш даражасининг пасайиб бориши, мамлакатда ишсизлар сонининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар чиқиши мумкин.

Иқтисодий нуқтаи назардан ишсизлик деганда-ишчи кучининг иш жойи билан таъминланмаганлиги ва натижада, унинг бирон-бир қонуний даромад манбаига эга бўлмаслигининг муайян (аниқ) ҳолати тушунилади. Одатда, жаҳон мамлакатлари ишсизлик тушунчасини БМТ, Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш жамияти талабларига кўра ишлаб чиқишади.

Халқаро ташкилотларнинг берган таърифига биноан “ишсиз шахслар” деганда-ишга эга бўлмаган, ишлашга тайёр ва иш излаётган фуқаролар тушунилади. Мана шу асосий шартларга риоя қилган ҳолда, турли

мамлакатларда фуқарони ишсиз шахс деб эътироф этиш учун қўшимча шартлар талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунига биноан ишсиз шахс деб, меҳнатга қобилиятли (ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олгунга қадар), ишга ва иш ҳақиға (меҳнат даромадига) эға бўлмаған, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида рўйхатга олинған, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар эътироф этилади.

Ишсиз шахс деб эътироф этиш учун қуйидаги тўрт шарт мавжуд бўлиши лозим.

Биринчи шарт-фуқаро меҳнатга қобилиятли бўлиши ва амалдаги қонун ҳужжатларига биноан пенсия таъминоти ҳуқуқига эға бўлмаслиги керак. Ҳуқуқий жиҳатдан меҳнат қилиш қобилиятининг қуйи даражаси, Меҳнат кодексининг 77-моддасига мувофиқ 16 ёш деб белгиланған.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, меҳнат кодексининг ушбу моддасига мувофиқ тегишли шартларга риоя этилған ҳолда 15 ёки 14 ёшга тўлған ёшларни ҳам ишга қабул қилишга йўл қўйилсада, улар ишга лаёқатли шахс деб эътироф этишлари мумкин эмас.

Иккинчи шарт-фуқаро ишга ва ишга ҳақиға (меҳнат даромадига) эға бўлмаслиги лозим.

Агар, фуқаро асосий ишини йўқотған (масалан, штатлар қисқариши муносабати билан бўшатилған), лекин ўриндошлик асосида бошқа корхонада ишлаётған бўлса, бунда у иш билан банд бўлған деб ҳисобланади.

Нафақалар, алиментлар, қимматли қоғозлар бўйича олинған дивидендлар, банкларга қўйилған маблағларга ҳисобланған фоизлар иш ҳақиға (меҳнат даромади) кирмайди. Худди шундай пенсия ва стипендиялар ҳам иш ҳақи (меҳнат даромади) таркибига кирмайди, лекин пенсия олувчи фуқаролар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланғанликлари, ишлаб чиқаришдан

ажралган ҳолда стипендия олиб ўқиётганлар иш билан таъминланган деб ҳисобланишлари сабабли, бундай фуқаролар ишсиз шахс деб эътироф этилмайдилар.

Учинчи шарт-фуқаро ишлашга тайёр бўлиши лозим. Фуқаронинг ишлашга тайёр эканлигини, унинг маҳаллий бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига иш қидириб расмий мурожаат қилиши, белгиланган муддатларда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида қайтадан рўйхатдан ўтиб туриши ва бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан таклиф қилинган мақбул ишни қабул қилиш ҳолатлари тасдиқлайди.

Ҳомиладор аёллар, агарда уларнинг ҳомиладорлик даври йигирма саккиз ҳафтадан ошмаган бўлса, улар меҳнатга қобилиятли деб ҳисобланадилар ва ҳомиладорликнинг бу даврида улар ишсиз шахс деб эътироф этишлари керак.

Тўртинчи шарт-фуқаро барча тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда маҳаллий бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтиши лозим.

Ишсизликнинг умумиқтисодий характери меҳнат бозорининг ўзи, меҳнатга талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мутаносиблик ишсизликни эмас, иш билан бандликни шакллантиришидан ҳам келиб чиқади.

Ишсизлик доимо иш билан бандлик билан биргаликда кўриб чиқилади: иш билан бандликнинг кўпайиши, қоидага кўра ишсизликни камайтиради, бу эса ишсизликни, ўз навбатида иш билан бандликни кўпайтиради. Таърифга кўра ишсизлик-бу ишлашни истайдиган меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлмаган миқдоридир. Макроиқтисодий жиҳатдан ишсизлик-бу доимо жамият меҳнат салоҳиятидан, ишчи кучи мажмуидан ишлаб чиқариш омили сифатида тўла фойдаланмаганликдир.

Ишсизликнинг табиий даражаси-бу “нормал” даврдаги меъёрий инфляция ва барқарор ўсиш суръатлари билан ифодаланган даражадир.

Шунинг учун, ишсизликнинг табиий даражасининг таърифи-анчагина мураккаб иш, чунки бу кўрсаткични ҳисоблаб чиқиш учун “нормал ишловчи иқтисодиёт” моделини яратиш керак бўлади.

“Ишсизлик” тушунчасига аниқлик киритиб, шунини таъкидлаш керакки, бу тушунча иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли тоифасига киради, яъни ишсизлар-булар шундай кишиларки, улар меҳнат бозорида ўз хизматларини фаоллик билан таклиф қиладилар, иш қидирадилар, бу нарса иш билан бандликнинг иқтисодий муносабатларини тартибга солишда давлат томонидан ҳисобга олиниши даркор.

ХМТ стандартларига кўра, ишсиз аҳолига муайян ёшга етган, ҳисобот даври мобайнида ишсиз бўлиб, дарҳол ишга тушишга тайёр бўлиб турган ва фаоллик билан иш қидираётган кишилар киритилади. Ишсиз мақомига эга бўлмоқчи бўлган киши қуйидаги мезонларга мос келиши лозим:

1. Улар иш билан бандлик хизмати идораларида иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинишлари даркор. Ўзбекистон шароитида кўплаб кишилар ҳақиқатан ҳам ана шундай ишсизлик мақомидан фойдаланмайдилар.

2. Ишсиз деб ҳисобланиш учун одам фаоллик билан иш қидириши (одатда, иш билан бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига мурожаат қилишдан олдин бир-тўрт ҳафта илгари) керак бўлади.

3. Ишсизлар мақоми ва ишсизлик бўйича нафақа олиш ҳуқуқи фақат илгари ишлаган кишиларга берилади. Одатда, даъвогар аввалги 12 ойдан қонунда қайд қилинган уч ой мобайнида ишга эга бўлиши лозим.

4. Ишсизлик ихтиёрий равишда бошланмаслиги лозим. Бу ҳол одамларга ўзини масъулиятсиз тутишга, алоҳида сабабларсиз бўшашга йўл қўймайди, деб ҳисобланади.

5. Ишсиз одам ўзи учун иш билан бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази “мос келади” деб ҳисоблаган ишга жойлашиш таклифини рад қилмаслиги лозим.

6.Ишсизлик бошқа даромад манбаларига эга бўлмаслиги керак.

7.Ишсиз одам муайян ойлар мобайнида ишсизлик бўйича нафақа олиб туради, шундан кейин нафаканинг миқдори камайтирилади ёки уни тўлаш мутлақо тўхтатилади. Ишсизлик бўйича нафақадан маҳрум бўлиб қолиш истиқболи ишсизни ўз куч-ғайратини иш қидиришга қаратишга мажбур қилади. Лекин, бу ҳол кўпинча уни ўзининг билими ва тайёргарлик даражасига мувофиқ келмайдиган тасодикий ишга рози бўлишига олиб келади, пировард натижада, бу жойдан бўшашига тўғри келади. Бу эса ходимнинг бундан кейинги ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ишсизлик даражаси-меҳнат бозорининг ҳозирги пайтдаги аҳволи ҳақида ва унда муайян вақт мобайнида рўй берган ўзгаришлар тўғрисида тасаввур берадиган асосий кўрсаткичдир.

Иқтисодий фаол аҳолига ёлланиш асосида ҳақ олиб ишлайдиган ёки ўз корхонасида, шу жумладан, шахсий ёрдамчи хўжалигида ишлайдиган ёки шунгай корхонага эга бўлган, бироқ ишламайдиган кишилар, шунингдек ишсиз бўлиб, ёлланиш ёки ёлланмасдан ишлашни хоҳлайдиган кишилар киради.

Агар жорий статистикада иқтисодий, фаол аҳолининг сони ҳақидаги маълумотлар бўлмаса, у халқ хўжалигида ёки минтақада иш билан банд бўлганларнинг рўйхатдаги сони миқдори, сифатида а) иш билан бандлик бўйича маҳаллий бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган иш қидираётган иш билан банд эмаслар сони; б) ХМТ усули бўйича ҳисоблаб чиқилган ишсизлар сони сифатида тахминан ҳисоблаб чиқарилиши мумкин.

Ишсизлик даражаси кўпчилик мамлакатларда иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий омилларидан бири сифатида қаралади. Турли мамлакатларда ҳар бир муайян даврда ишсизлик даражаси бир-биридан жиддий фарқ қилади, бу эса ҳар бир мамлакат учун қарор топган “табiiй” ишсизлик даражасига, мамлакатдаги иқтисодий цикл

фазасига, шунингдек, давлат ўтказадиган иш билан бандлик сиёсатига боғлиқ бўлади.

Ишсизликнинг тарқалиши муайян вақт мобайнидаги ишсизлик мақомига эга бўлган кишиларнинг умумий сонини билдиради. Мазкур даврнинг охирига келиб, унинг ишсизлик мақомини сақлаб қолган-қолмаганлиги бу ерда роль ўйнамайди. У мазкур даврнинг бошида ҳисобда турган ва ишсиз деб топилганларнинг умумий миқдори сифатида аниқланади. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган статистика ҳисоби умуман ишсизларнинг тарқалганлигини, шунингдек, айрим ижтимоий-демографик гуруҳлар бўйича: аёллар, эркеклар, ёшлар, қишлоқлар ҳамда шаҳарларда яшовчи шахслар ва ҳоказолар сифатида аниқлаш имконини беради.

Ишсизлар сонинг ҳаракати муайян вақт мобайнидаги қуйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади: мазкур даврнинг бошида қанча киши ишсизлик мақомига эга эди, янгидан қанча киши рўйхатга олинган, қанча киши ҳисобдан чиқарилган (шу жумладан, ишга жойлашган, муддатидан олдин пенсия олишга расмийлаштирилган ва бошқа сабаблар билан), давр охирида қанча ишсиз ҳисобда қолган? Бундай ҳаракат ҳам умуман, ҳам айрим ижтимоий-демографик гуруҳлар бўйича ҳам ҳисоблаб чиқилади. Шу йўл билан ишсизлар ҳаракати қанчалик интенсив бўлганлиги ва конкрет аҳоли гуруҳлари бўйича бу ҳаракатдаги фарқлар қанчалик жиддий бўлганлигига баҳо берилади.

Ишсизликнинг давомийлиги-ишсизлик мақомига эга бўлган шахсларнинг шу давр охирига келиб, иш қидириш муддати ўртача қанча давом этганлигини кўрсатувчи ҳажмдир. Шунингдек, бу даврда улардан қанчаси ишга жойлашганлиги ҳам ҳисобга олинади. Мазкур ҳажм икки кўрсаткич билан белгиланади. Биринчи кўрсаткич, ишсиз сифатида ҳисобга олинганлар ўрта ҳисобда қанча ой мобайнида ишсиз бўлганликларидан далолат беради. Иккинчи кўрсаткич, мазкур даврда ишсиз бўлганлардан қанчаси ўрта ҳисобда неча ой ишсиз ўтирганлиги ва иш топганлигини акс эттиради.

Ишсизликни таҳлил қилишда унинг давомийлик кўрсаткичи алоҳида аҳамиятга эгадир. Ишсизликнинг ўртача давомийлиги ва узоқ вақт ишламаётганлар ишсизлар орасидаги ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар нисбий ишсизлик ҳақида хулоса чиқарим имконини беради. Айрим ҳолларда ишсизларнинг асосий қисми тезда (1-4 ой ичида) янги иш жойи топиши мумкин, баъзилари эса ярим йил ва ундан ҳам кўпроқ муддат иш тополмай юрадилар.

Қишлоқ аҳолисини ишсизлар тоифасига киритиш мезонларини аниқлаштириш зарур. Ер участкаси муайян миқдорда ва шахсий ёрдамчи хўжалиги товар маҳсулот бериш даражасида бўлган тақдирда, у мустақил шуғулланувчи сифатида қаралиши мумкин. Ер участкаси ва фермер хўжалигини ташкил этиш учун кредит бериш таклиф этиладиган бўлса, қишлоқ аҳолисига нисбатан “мувофиқ иш жойини” таклиф қилиш сифатида қаралиши мумкин, бунда қишлоқ аҳолининг уйида хўжалик иморатлари ва энг кам миқдорда қишлоқ хўжалиги асбоблари мавжуд бўлиши назарда тутилади.

Шуни назарда тутиш керакки, айрим шахслар қонунларимизнинг мукаммал эмаслигидан фойдаланиб, ишсизлик бўйича бериладиган нафақани кўшимча даромад манбаи турларидан бири деб қарайдилар, ўзлари эса мустақил равишда иш билан шуғулланадилар ёки шартнома асосида ишлаётган бўладилар.

1.2. Ишсизликнинг сабаблари ва турлари

Ишсизлик даражаси икки асосий кўрсаткичлар билан ўлчанади. Улардан биринчиси-фаол аҳоли сонида расмий рўйхатга олинган тўлиқ ишсизлар салмоғи сифатида ҳисобланадиган ишсизлик даражасидир. Бироқ, бу кўрсаткич иш билан бандлик соҳасидаги вазият ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди. Уни ҳаққоний аниқлаш учун иш жойидан маҳрум бўлган кишилар сонини ва улар қанча вақт давомида шундай ҳолатда бўлишларини билиш керак. Ишсизлар сонини бекор ўтказган вақтларига кўпайтирсак, соатларда ифодаланувчи ҳақиқий ишсизлик даражасига эришамиз.

Ишсизлик ва ишсизлик даражасини аниқлаш учун уни туркумлаш мақсадга мувофиқдир. Ишсизликни бир неча хусусиятига кўра туркумлаш мумкин (келиб чиқиш сабабига кўра, шаклан, мазмунан намоён бўлишига кўра, давом этиш муддатлари ва эгаллаган маконига кўра).

Иш билан бандликнинг кескин камайиши иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар (давлат секторининг камайиши) инфляция ҳамда хўжалик юритишни муқобил шакллари (хусусий корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари)нинг етарлича тез ўсмаганлиги туфайли кўпгина корхоналарда молиявий аҳволнинг ёмонлашуви билан қўшилишидан юзага келди. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, умумий талаб ҳажмида салбий акс этди: давлат таъсири қисқарди, инвестиция фаолияти сустлашди, истеъмол ҳаражатлари эса инфляция таъсирида турмуш даражасининг ёмонлашуви туфайли бирмунча камайди.

Ўзбекистонда ишсизлик ўсишининг асосий сабаби, энг аввало, мамлакат иқтисодиёти давлат секторида ишлаб чиқаришнинг қисқариши бўлди. Иқтисодий ўсиш динамикаси билан ишсизлик ўртасида алоқа узвий боғлиқ кўрсаткичлардир.

Ғарб иқтисодчилари иқтисодий ўсиш суръатларини аҳолини иш билан бандлигининг ўсиш суръатлари билан, таназзулни эса ишсизлик даражасининг ўсиши билан боғлайдилар. Ҳақиқатан ҳам, индустриал турдаги нормал ишлаётган бозор иқтисодиётида иқтисодий ўсиш доимо

тармоқларнинг ривожланиши ва кенгайишини, демак, иш билан бандликнинг ортишини англатади. Шундай бўлса-да, ривожланаётган мамлакатларда бундай боғлиқлик кўзга очик ташланмайди. Масалан, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда саноатнинг тез ўсиши иш билан бандликнинг мувофиқ кенгайишини келтириб чиқармади. Иқтисодчилар бу ходисани саноатдаги ўсиш суръатларидан анча юқори бўлган урбанизация суръатлари ҳамда қишлоқдан шаҳарга кўчиб келаётган аҳоли малакасининг пастлигида деб изоҳлайди.

МДХ мамлакатларидаги воқеалик ишсизликнинг иқтисодий турғунлик пасайиши суръатлари билан бевосита алоқасини тасдиқламайди. Масалан, саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари деярли икки марта қисқарганда, иш билан банд бўлганлар сони 10,0 фоиздан ортиқроқ камайиши мумкин. Фикримизча, бунинг сабаби қуйидагича бўлиши мумкин.

Биринчидан, бу иқтисодиётда давлат секторининг сақланганлигидир. Бозор ислохотларининг бошларида, давлат мулки устувор бўлган ва корхоналарни, шу жумладан, қарор келтирадиганларни ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватлаш давом этган, иш ҳақининг онда-сонда ва кечикувчи индексация қилиниши муносабати билан инфляция даражасининг камайиши корхоналарга, ҳатто ишлаб чиқариш камайган шароитларда ҳам, аҳолини иш билан бандлигини сақлаш имконини беради.

Иккинчидан, бу яшириш ишсизликнинг тўлиқ бўлмаган иш вақти, таъминот сақланмаган таътиллار шаклида кўпайишидир. Расман иш билан банд бўлган бундай ишчилар ҳеч қаерда ишсизлар сифатида рўйхатга олинмайди, улар гарчи моҳиятига кўра сезиларли даражада ишсиз бўлсаларда, расман бошқа иш жойини қидирмайдилар. Қоидага кўра, қисман иш билан бўлганлар иккинчи марта иш билан бандлик ёки ўз-ўзини иш билан банд қилиш деб аталмиш аҳолини иш билан бандлигига эга бўладилар.

Учинчидан, ишсизликнинг кучли ўсиши, айниқса, кескин иқтисодий ўзгартиришлардан кейинги дастлабки йилларда меҳнат бозоридаги таклиф камайганлиги туфайли кўзга ташланмайди. Қўлланилган муддатидан олдин

пенсияга чиқариш, уй хўжалигида иш билан банд бўлганлар сонини кўпайтириш (асосан, аёллар), якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг кенг тарқалиши-бу иқтисодиёт яшириш секторининг ривожланишини жадаллаштиради-буларнинг ҳаммаси бозордаги ишчи кучи таклифини камайтирди.

Аҳолини иш билан бандлик динамикаси, ЯИМ билан ишсизлик ўртасидаги бевосита алоқанинг тасдиқланмаслиги дастлабки қарашда мантикқа зид ҳодисадир. Икки далил кишини ҳайратга солади: биринчидан, ишсизликни ЯИМнинг ўсишига қиёслаш илгарилар кискариши; иккинчидан, иш билан бандликнинг камайиши билан бирга ишсизликнинг қискариши.

Фикримизча, бу ҳодисаларни фақат статистик ҳатоликлар ва ишсизлик мақомини бериш шартларининг қаттиқлашуви билан изоҳлаб бўлмайди. Кўринишидан яхши бўлган иқтисодий ўсиш кўрсаткичларида иш билан бандликнинг камайишини икки сабаб билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, яширин ишсизликнинг юқори даражаси, сақланганлиги, у ўз потенциалини ҳатто айрим барқарорлик шароитларида ҳам очик бозорга чиқариб туради. Иккинчидан, яширин (хуфия) иш билан бандликнинг кўпайиши, у ишчи кучи ва ишсизларнинг сезиларли қисмини очик меҳнат бозоридан топиб туради. Кўпинча, яширин ишсизлик тўғри яширин иш билан бандликка айланади, бунда расмий иш билан бандлик кўрсаткичи бирмунча пасаяди, ишсизлик кўрсаткичи эса бирмунча кўпаймайди.

Демак, яшириш ишсизлик ва хуфия иш билан бандлик-бу ишсизликнинг ҳақиқий даражасини бузиб кўрсатадиган ва айни бир вақтда, иш билан бандлик ва ишсизлик соҳасидаги бўлғуси муаммоларнинг яшириш потенциали ҳисобланадиган икки кучли омилдан иборатдир. Аммо, бу омиллар ҳозирча яшириш ҳолатда бўлиб, шу аснода расмий ишсизлик даражасини ҳам етарлича юқори даражада сақлайди. Бу нарса ўз навбатида, ишсизликнинг асосий сабабларидан ташқари, иқтисодиётда бир қатор

“анъанавий” сабабларга ҳам боғлиқ бўлади. Бу сабабларни ишсизликнинг асосий турларини кўриб чиқишда таҳлил қилиш мумкин.

Яширин ишсизликнинг тўлиқ бўлмаган ишсизликдан ва қисман иш билан бандликдан ажратиш керак. Қисман иш билан бандлик табиий ва ходим учун кўп ҳолларда нуфузли иш билан бандлик шакли ҳисобланади ва кейинчалик, чамаси кенгайиб боради. Қисман иш билан бандлик яширин ишсизлик шакли ҳисобланмайди, балки иш билан бандликни ташкил этишнинг тобора кенгайиб бораётган шаклларида бири ҳисобланади. Тўлиқ бўлмаган иш билан бандликка келсак, халқаро таърифга кўра унга ёлланма меҳнат билан шуғулланувчи барча кишилар ёки корхоналарида иш билан банд бўлган кишилар киради, улар хоҳ ишлаётган бўлсин ёки ишда қатнашмаётган бўлсин, норматив иш вақтидан камроқ ишлаб, қўшимча иш қидириб, ҳисобот даврида унга киришишга тайёр бўлган ходимлардир. Бу таърифдан келиб чиқишига қараганда, уч мезон мавжуд бўлиб, ан шу мезонлар бўйича ходимлар тўлиқ бўлмаган иш билан бандлик тоифасига киритилади: 1) норматив вақтдан камроқ давом этадиган иш; 2) бундай иш билан бандликнинг мажбурий хусусияти; 3) бошқа иш қидириш ва унга киришишга ҳозирлик. Ходимни тўлиқ иш билан банд баўлмаганлар тоифасига киритиш учун, бу барча уч мезон бир вақтнинг ўзида бажарилиши керак. Ишсиз ёки иқтисодий жиҳатдан фаол бўлмаган киши тўлиқ иш билан банд бўлмаган киши деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Маълумки, “яширин ишсизлик” тушунчаси “тўлиқ бўлмаган иш билан бандлик” иушунчасидан анча кенгрокдир, чунки унинг учун тўлиқ бўлмаган иш билан бандлик таърифига кирадиган барча мезонлар мажбуран яширин ишсизлик сифатида таърифланадиган ҳолатда бўлади. Бошқа мезонларга келганда, расман “яшириш ишсиз” ишда стандарт иш вақтида ҳозир бўлади, кўпинча бошқа иш қидирмайди ва ҳар гал ҳам бошқа ишга киришишга тайёр бўлмайди. У одатда, ўзининг иш ўрнида нормал ишлашга тайёрдир.

Тўлиқ бўлмаган иш билан бандлик ва яширин ишсизлик ўртасидаги тафовут шундан иборатки, биринчиси иш берувчи учун иқтисодий юк

бўлмайди, иш билан бандликнинг бу шакли унинг учун иқтисодий жихатдан оқланган ва муайян маънода эътиборлидир. Демак, қисман иш билан банд ходим тепасида бевосита бўшатиб юборилиши хавф солиб турмайди, ҳольуки, яширин ишсизлик ўз моҳиятига кўра корхонанинг маблағига кўшимча юк бўлади ва иш билан бандлик нуқтаи назаридан очиқ ишсизлик арафасидир. Бироқ тўлиқ иш билан банд бўлмаган киши ўзининг мавжуд аҳволидан рози эмас ва иш қидиради, у юқоридаги таърифга биноан яширин меҳнат бозоридадир ва демак. Яширин ишсиз ҳисобланади.

Яширин ишсиз шакллариға қуйидагилар киради:

1) Корхоналар ва ташкилотлардаги тўлиқ иш ҳақи оладиган ортиқча ходимлар сони. Иш билан бандликнинг бундай шакли маҳсулот таннархи ва баҳосининг ортишига, корхоналарнинг молиявий аҳволига оғир таъсир қилади, пировард натижада инфляция спиралининг буралишига олиб келади;

2) Тўлиқ бўлмаган иш вақти давомида ишлайдиган, тегишли иш ҳақи оладиган ва тўлиқ иш кунига ўтишни хоҳлайдиган, лекин иқтисодий конъюнктуранинг таъсири туфайли бундай имкониятга эга бўлмаган шахсларнинг мавжудлиги. Иш билан бандликнинг бундай шакли, чамаси, кейинроқ ҳам давом этади. У маълум даражада аёллар ва катта ёшдаги кишилар учун мароқлидир;

3) Иш ҳақи сақланмаган ҳолда ёки қисман сақланган ҳолда маъмурият томонидан таътил берилиши. Бундай шаклни вақтинча деб қараш керак, чунки у ходимларни мутлақо қониқтирмайди, улар даромад даражасининг кескин камайиб кетишига ва пировард натижада “ўз ихтиёри бўйича” бўшаб кетишига сабаб бўлади;

4) Энг кам иш ҳақи миқдори сақланган ҳолад узоқ муддатли таътилни расмийлаштириш. Мазкур мурса-мадора тарзида қарор ҳам барқарор хусусиятга эга эмас, чунки ёлланувчи ходимнинг ҳам, иш берувчининг ҳам манфаатларига мос келмайди;

5) Хом ашё, материаллар йўқлиги ва ишлаб чиқариш режимининг бошқача бузилишлари туфайли келиб чиқадиган ва тузатилиши мумкин

бўлган тўлиқ кун давомида ҳамда смена ичидаги бекор туриб қолишларнинг ортиши.

Ҳозирги вақтда, ишсизлик бўйича нафақанинг ўртача миқдори тахминан, ўртача иш ҳақининг 60 фоизини ташкил этгани сабабли биринчи ҳолда давлат корхонасидаги яширин ишсизлик очик ишсизликка нисбатан давлатга деярли икки баравар қимматга тушиши ҳисоблаб чиқилган. Яширин ишсизликнинг бошқа турлари давлат учун унчалик кўп харажатни талаб қилмайди ва молиявий йўқотишлар тўлиқ равишда ёлланма ходимлар зиммасига тушади.

Шуни айтиш керакки, бозор муносабатларининг ривожланишига ва корхоналар ҳамда ташкилотларга рақобатчилар ҳамда истеъмолчиларнинг молиявий таъйиқи кучайтиришлари, ҳукуматнинг молиявий-кредит сиёсати қаттиқлаштирилишига қараб ишлаб чиқаришдаги яширин ишсизлик барқарорлик билан қисқариб боради, кейинчалик эса бутунлай йўқ бўлиб кетади.

Ишсизликнинг иқтисодий чиқимлари маҳсулот ишлаб чиқармаслик билан боғлиқдир. Агар иқтисодиёт ишлашни хоҳлайдиганлар ва ишлай оладиганлар учун етарли миқдордаги иш ўринларини яратиш беришга қодир бўлмас экан, товарларни потенциал ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бутунлай йўқолади. Шундай вазият вужудга келадигани, унда ялпи миллий маҳсулотнинг ҳажми яратилиши мумкин бўлган потенциал ялпи миллий маҳсулотдан камроқ бўлади, ҳақиқий ва потенциал ялпи миллий маҳсулотлар ўртасидаги фарқни ялпи миллий маҳсулотнинг орқада қолиши деб аташ қабул қилинган.

Ишсизликнинг ташқи иқтисодий чиқимлари жамиятдаги ижтимоий, руҳий ва сиёсий ларзаларнинг сиртида ётади. Бу фақат жамиятдаги ижтимоий тарангликни кўпайтириб қолмасдан, шу билан бирга мамлакат сиёсий йўлининг ислохотлар йўлидан узоқлашиш томонга кескин ўзгариши мумкинлигини ҳам билдиради.


1.3. Ишсизлик таснифи

Ишсизлик-мураккаб ижтимоий-иқтисодий ходиса бўлиб, ишчи кучини таклиф этиш билан унга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги микдор жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам номувофиқликни (ортиқчаликни) акс эттиради.

Пайдо бўлиш сабабларига кўра, ишсизлик фрикцион, таркибий, мавсумий, даврийга ва ҳ.к. турларга бўлинади. Фрикцион ишсизлик анъанавий тарзда киши ўз ишчи кучини татбиқ қилиш учун фойдалироқ ва кизиқарлироқ ишлашга табиий интилишидан келиб чиқади. Фрикцион ишсизлик – киши ўз иш жойидан кетиб, бошқасини излаётган даврда бўладиган “ишлар ўртасидаги” ишсизликдир (1.3.1-расм). Янги ишни излаш сабаблари кўп бўлиши мумкин: яхшироқ меҳнат шароитлари, юқорироқ иш ҳақи, янги турар жойга кўчиш, жамоадаги низоли ҳолатлар бунга мисол бўлади. Умуман, психологларнинг фикрича, ҳаёт тоифасини, иш қобилиятини, маънавий-психологик мувозанатни сақлаб қолиш учун киши бутун ҳаёти мобайнида иш жойини камида олти марта ўзгартирган бўлиши керак. Иккинчи томондан, масалан, япон мутахассислари бундай қарашни рад этадилар: аксинча, уларнинг фикрича, киши ўз фирмасига мумкин қадар пишиқроқ “бириктирилиши” керакки, у фирмани – ҳаётининг қисми, жамоани эса катта оила сифатида қабул қилсин.

Миллий хусусиятларга қарамай, фрикцион ишсизлик хўжалик юритишнинг бозор тизимидаги барча мамлакатларда мавжуд. Масалан, кейинги йигирма йилдан кўпроқ давр ичида АҚШда ишсизларнинг камида 10,0 фоизини ишни ўз ихтиёри билан қолдирганлар ташкил қилган. Қоидага кўра, бир ишдан бўшаётган кишилар мўлжалида бошқа иш топадилар. Шунинг учун, фрикцион ишсизлик доимо қисқа муддатли бўлиб, унинг давомийлиги бир ойдан ортиқ бўлмайди.

Барча чет эллик иқтисодчилар фрикцион ишсизлик мажбурий ишсизликдан фарқ қилиб, ихтиёрий характерда бўлади деган фикрда ҳамжиҳатдирлар. Фрикцион ишсизликнинг “ихтиёрийлиги” иқтисодий эмас,



1.3.1-расм. Ишсизликнинг туркумланиши.

мутлақ юридик (хукукий) характерга эгадир. Расман қаралганда ишчининг ўзи ўз ихтиёри билан бўшайди. Аммо, бундай қилишга уни нима мажбур қилади саво ига, иш ҳақининг пастлиги, меҳнат шароитларининг ёмонлиги, оиласига муносиб турар жой шароитларини таъминлай олмаслиги, муъмурият томонидан бўладиган босим ва бошқа сабаблар бўлиб, буларнинг ҳаммаси ишчини гарчи вақтинча бўлса-да, ишсизлар қаторига кириб, улар гуруҳини тўлдиришга мажбур қилади.

Чет эллик мутахассислар таркибий ишсизликни ҳам “нормал” тоифага киритадилар, чунки иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар эскилар ўрнига янги ишлаб чиқариш ва тармоқларнинг пайдо бўлиши тйфайли юзага келган. Таркибий ишсизлик-касби ўзгарганлар ўртасидаги ишсизликдир. Таркибий ишсизлик қаторига ишлаб чиқариш ва тармоқлар техник даражасининг такомиллашуви келтириб чиқарган технологик ишсизлик ҳам киритилади. Баъзида технологик ишсизликни алоҳида, ишсизликнинг махсус тури сифатида ҳам қаралади.

Умуман, Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ишсизлик билан даврий ишсизлик ўртасида аниқ чегара ўтказиш қийин. Агар ривожланган мамлакатларда ишсизлик асосини унинг фрикцион ва таркибий турлари ташкил қилса, Ўзбекистон учун асосий муаммо-ишчи кучи қисмининг зарур эмаслиги кўринишидаги таркибий элементига эга бўлган даврий ишсизлик хосдир.

Демак, ривожланган мамлакатларда ҳам, Ўзбекистонда ҳам фақат мавсумий ишсизлик “табиий” ва “нормал” ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги, туризим бизнеси, айрим хунармандчиликка хос бўлган мавсумий ишсизлик табиий омиллар туфайли содир бўлади ва уни башорат қилиш осон бўлади. Иқтисодий фаолият турлари устувор бўлган минтақаларда мавсумий ишсизлик жиддий муаммо ҳисобланади.

Ишсизлик турли сабаблар: иқтисодиётдаги турғунлик (даврий), табиий омиллар (мавсумий), таркибий ўзгаришлар (таркибий, технологик ишсизлик),

меҳнат бозорида ахборотнинг такомил эмаслиги (фрикцион) туфайли содир бўлади, дейишимиз мумкин.

Ишсизликнинг омилларининг бирикмаси мамлакатдаги умумий даражани кўрсатади. Шу билан бирга, умумий рақамлар ортида ўз ижтимоий мақомига эга бўлган реал инсон ресурси, реал минтақалар ва тармоқлар туради. Ниҳоят, ишсизликнинг умумий даражаси-бу меҳнат бозоридаги ҳақиқий аҳволдан фарқ қилиши мумкин бўлган статистик кўрсаткичдир, хосдир. Шунга кўра, ишсизлик тушунчасини турли мезонлардан фойдаланиб, аниқлаштириш керак бўлади (1.3.2-расм). Бундай аниқлаштириш ишсизлик муносабати юзага келадиган муаммоларни тадқиқ қилишда, шунингдек, ижтимоий ҳимоя тизимини ҳамда ишсизликни мумкин қадар камайтириш йўналишларини ишлаб чиқишда зарур ҳисобланади.


Аҳолини меҳнат билан бандлик сиёсатини ишлаб чиқишда ишсизлар сонини аниқлашнинг ишонарлилиги алоҳида муаммодир. Ҳозирги кунда барча мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ишсизлар сонини аниқлашда, Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) стандарт моделидан фойдаланади. Бу услуб “ишсизлик ҳолатининг” уч мезонига асосланади:

- ишнинг ёки ўз-ўзини иш билан банд қилишнинг йўқлиги;

- шу вақтда ишга тайёрлиги ва ишга лаёқатлилики;

- иш излаш бўйича амалий ҳаракатлар қилинганлиги. Аммо, бундан буйғига бу мезонлар талқинида илмий-амалий келишмовчиликлар пайдо белади: ҳақиқатан ҳам мажбуран қисман иш билан банд бўлганларни ишсиз дейиш мумкинми саволига ёки кишиларни ишсизлар тоифасига киритиш учун “ишсиз” ва “иш излаш” ҳолатининг давомийлиги қанча бўлиши керак саволларига жавоб берар эканмиз, қоидага кўра ҳар бир давлатда ишсизлик мақомини ўзгача хусусияти ва аниқлаш усули борлигига ишора қилишимиз керак.

Ўзбекистонда ҳақиқий ишсизлик даражасини аниқлаш учун иш билан банд ёки ишсиз ишга тушишдаги фарқлар туфайлигина уни аниқлаш ва



1.3.2-расм. Ишсизликнинг турли мезонлари бўйича таснифи.

тушуниш унчалик қийин эмас. Нормал ахборот базасининг йўқлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказининг етарлича тезкор ишламаслиги, бунинг устига аҳолининг кўпчилик қисмининг бу марказларга етарли даражада ишонмаслиги ишсизликни аниқлашда талай қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Масалан, ишсиз мақомини олиш учун киши бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказида рўйхатга олиниши керак. Барча ҳақиқий ишсизлар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказига боради дейишдан узоқмиз, аҳолининг кўпчилик қисми, айниқса, қишлоқ жойларида, бундай бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази борлигини, бор бўлганда ҳам бу марказ идораси уларга ёрдам беришини ҳайлига ҳам келтирмайдилар. Шу билан бирга бу муаммолар масаланинг ҳаммаси эмас. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказига мурожаат қилиб ва рўйхатдан ўтишдан бошлаб, то ишсиз мақомини олгунча қадар, ишсиз киши яна бир қатор талабларга ва кўйиладиган шартларга мувофиқ келиши борасида анча текширувлардан ўтиши керак: ишсиз киши бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказига мурожаат қилишдан олдин тўрт ҳафта мобайнида иш излаш билан банд бўлиши керак, ўтган йилнинг, яъни ўн икки ойнинг камида уч ойи иш билан банд бўлиши керак, ўз ихтиёрига кўра бўшамаган бўлиши керак, бошқа даромад манбалари бўлмаслиги керак. Бу анчагина қаттиқ шартлар бўлиб, яна қуйидагилар билан тўлдирилади, ишсиз деб тан олинган фуқаролар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказининг ишга жойлаштириш таклифини рад этмасликлари керак, акс ҳолда ишсизлик бўйича арзимас нафақа ишсизлик “стажига” кўра камайтириб борилади.

Фақат қуйидаги омиллар ишсизлар оммасини бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказига мурожаат қилишга мажбур этади:

-янги иш топиш умиди;

-ишсизлик бўйича нафақанинг нормал яшашини таъминловчи юқори даражаси;

-аҳолининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази фаолиятдан хабардорлиги;

-ишсиз мақомига эга бўлиши учун зарур шартларнинг ҳаммасига мувофиқ келиш (ҳужжат билан тасдиқланган).

Бу омилларнинг ҳаммаси мамлакатдаги ҳақиқий ишсизликни камайтириш томонига хизмат қилади. Иккинчи томондан, кўпинча бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказида иш билан шубҳали банд бўлмаганлар (реал, аммо норасмий ишлайдиганлар), ҳар қандай маълумотномаларни олишда “фаол” бўлганлар рўйхатдан ўтадилар.

Шундай қилиб, ишсизлик мақомини аниқлашда рўйхатга олиш жараёнига ёндашув тўхри натижалар бермайди. Ишсизликни баҳолашнинг бошқа услубларини, масалан, танлаб текшириш ёки эксперт хулосалари асосида баҳолаш услубини ишлаб чиқиш керак. Шу билан бирга, аҳолига уларнинг меҳнат бозоридаги ҳуқуқлари тўғрисида тўла ахборот бериш, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази фаолиятини тарғиб қилиш керак.

Ишсизлик даражасини баҳолашнинг камчиликларига қарамай, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунига биноан расмий кўрсаткичлардан фойдаланиш мавжуд бўлган ягона, асосийси ишда қўллаш мумкин бўлган кўрсаткичлардир. Аммо, бу услубият Халқаро Меҳнат Ташкилоти услубиятига тўлиқ жавоб бермаса-да, бундай кўрсаткичлар маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олади ва ишсизлик муаммосининг долзарблик даражаси ҳамда унинг динамикаси тўғрисида бирмунча тасаввур беради.

2-БОБ. Қўрғонтепа тумани меҳнат бозорида ишсизлик ҳолатининг таҳлили

2.1. Қўрғонтепа тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази фаолияти ва бошқарув структураси

Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими 1990 йил 20-февралда ташкил топган бўлиб, дастлаб 26 та ходим фаолият олиб борган. Бу бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5-апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисида”ги 162-сон қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги тўғриси”ги Низомнинг 12-бандига асосан ишлаб чиқилган ҳамда туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими мақоми, функциялари, валколатлари асосида фаолият олиб борди.

2007 йилда мазкур бўлим Қўрғонтепа туман “Бандлигига кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази”га айлантирилди. Ушбу марказ Низом асосида ўз фаолиятини олиб боради.

Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8-майдаги 95-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6-апрелдаги ПҚ-616-сонли “Аҳолининг бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Қўрғонтепа туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг асосий вазифалари ва функцияларини ҳамда фаолиятини ташкилий асосларини белгилаб беради.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияга, Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Олий мажлиснинг қарори ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари,

қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномаларига, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлигининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларига, бошқа норматив ҳужжатларига, шунингдек тасдиқланган Низомга амал қилади.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг ўз ваколатлари даражасида қабул қиладиган кўрсатмалари ва қарорлари тегишли ҳудудда жойлашган давлат органлари, хўжалик субъектлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек ушбу ҳудудда яшаётган фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази тегишли ҳудудда меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини амалга оширади.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, юридик шахс ҳисобланади, оператив бошқарувда алоҳида мол-мулкка эгалик қилади, мустақил баланс, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, шунингдек тегишли муҳрлар ва штампларга эга бўлади.

Қуйидагилар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг асосий вазифалари ҳисобланади:

1. Иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида ҳудудда фуқароларнинг моддий фаровонлиги барқарор суръатда муттасил ўсиб боришини таъминлашга ва аҳолини ижтимоий муҳофазасини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

2. Ҳудуддаги демографик ривожланишнинг тахминий маълумотларини тайёрлаш, меҳнат бозорини келгусида шаклланишини аниқлаш, иш

ўринларини, айниқса ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш бўйича мақсадли ҳудудий дастурларини ишлаб чиқаришда қатнашиш, аҳолини муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашни таъминлаш, бу масалаларда маҳаллий давлат ҳокимият бошқаруви органлари, хўжалик субъектлари, хайрия ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

3.Меҳнат, иш билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларини бажарилишини ва тўғри қўлланилишини таъминлаш;

4.Иш билан таъминлашда кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ҳамда уларни тўғри, самарали ва мустақил ишлатишни таъминлаш.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

-иқтисодиёт ва статистика бўлими билан биргаликда ҳудуднинг демографик ривожланиш прогнозларини, аҳолини иш билан самарали таъминлаш чора-тадбирларга асосланган ҳолда меҳнат ресурсларининг балансларини ишлаб чиқади;

-ҳудуднинг меҳнат ресурслари миқдори ва таркибини ўрганади ҳамда уни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;

-туманда ва аҳоли пунктларида меҳнат бозорининг аҳоли мониторингини ўтказади;

-миграция жараёнларини таҳлил қилади ва уларни тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

-иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши ва ишлаб чиқариш қувватларини, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини жойлаштириш истиқболининг таҳлили асосида тегишли ҳудуднинг келажакдаги ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди;

-касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш билан таъминланганлиги мониторингини ўтказди;

-ёшларнинг ижтимоий аҳолини яхшилаш уларнинг қонунчиликда белгиланган ижтимоий ҳудудларини ҳимоя этиш ишларида иштирок этади;

-жазо муддатини ўтаган ва махсус тарбия муассасаларидан бўшатишга етмаган шахсларни ишга жойлаштириш масалалари юзасидан вояга етмаганлар иши бўйича ҳудудий комиссия билан ҳамкорликда иш олиб боради;

-ишсиз шахслар, ишдан бўшаб чиққан ходимлар бўйича маълумотлар банкини шакллантиради ва уларнинг ҳисобини юритади;

-аҳолини иш билан таъминлаш ва иш ўринлари барпо этиш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқаришда қатнашади ва манфаатдор ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатади;

-ишсиз шахслар учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этади, уларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитиш ишларини амалга оширади;

-аҳолини турмуш даражаси ва фаровонлигини тадқиқ этишда қатнашади;

-иш қидириб юриб мурожаат қилган фуқароларга ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш ва ижтимоий ёрдам олиш имкониятлари ҳақида бепул маслаҳатлар беради;

-ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун энг кам иш ўринлари ажратилиши бўйича туман, шаҳар ҳокимиятларига таклифлар киритади ва ушбу иш ўринлари бутланишини ўрнатилган тартибда бажарилиши назоратини олиб боради;

-деҳқон ва фермер хўжаликларида ишловчи фуқаролар шунингдек тадбиркорлар учун белгиланган кафолатлар ва ижтимоий ҳимоя чораларини амалга оширади;

-бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказда иш юритишни амалга оширади, ишсиз шахслар учун нафақалар, моддий ёрдам ва бошқа ижтимоий тўловлар ҳужжатларни марказ фаолиятига

таалуқли бўлган бошқа ҳужжатларни, шунингдек, ўрнатилган тартибда архив ҳужжатларини сақлайди;

-ўз фаолияти ва амалга оширилган ишлар тўғрисида туман, шаҳар ҳокимликларига ва тизимнинг юқори органларига ҳисобот бериб боради.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг қуйидаги ҳуқуқлари мавжуд:

-Бош бошқармага меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими бошқарувчини такомиллаштириш, органларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва улар учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш;


-марказ олдида қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотни маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш ;

-ўз мажлисларида тегишли ҳудуддаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг масъул ходимларини марказ ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш;

-тегишли ҳудуддаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва муассасаларнинг меҳнат, иш билан таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда қабул қилинган бйруқлари ва бошқа норматив ҳужжатларини ҳаракатдан тўхтатиш ёки бекор қилиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш.

Қўрғонтепа туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг бошқарув структураси (2.1.1-расм).

Марказ туман, шаҳар ҳокимиятининг тасдиқномасига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлигининг розилиги билан Бош бошқарма томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ бошқаради.



2.1.1-расм. Қўрғонтепа туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг бошқарув структураси.

Бошлиқ марказга юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

1.Бошлиқ туман, шаҳар ҳокими билан келишган ҳолда Бош бошқарма томонидан лавозимига тайинланган ўринбосари бўлади.

2.Бошлиқ марказ фаолиятига раҳбарлик қилади.

3.Меҳнат, иш билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимоя масалалар бўйича қарорлар ҳамда фармойишлар лойиҳаларини туман ҳокимиятига кўриб чиқиш учун киритади.

4.Ўз ваколатлари доирасида бўлим ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, кўрсатмалар ва топшириқлар беради.

5.Марказ ходимларини меҳнат қонунчилигига мувофиқ ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, кадрлар билан якка тартибда тарбиявий ишлар олиб боради.

6.Бошлиқ ўринбосари ва ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради.

7.Ходимларнинг малакасини оширишга доир тадбирларни амалга оширади.

8.Бошлиқ ўринбосари, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун уларнинг масъулияти даражасини белгилайди.

9.Тасдиқланган сметалар ва ажратилган маблағлар доирасида кредитлар ва маблағларни бошқаради, штат интизомига риоя қилишни, пул маблағларини ва моддий бойликларни асраб авайлашгача қиради.

10.Ўртак кўрсатган ходимларни мукофот ва фахрий унвонларга тавсия қилади.

11.Қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳудудларга эга бўлади.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази”қуйидаги бўлинмаларнинг хизматларидан иборат:

-иш билан банд бўлмаган ва ишсиз аҳолини ҳисобга олиш ва ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш бўлими;

- аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлими;
- бухгалтерия;
- давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори;
- давлат техника инспектори.

Андижон вилояти ҳудудидаги мавжуд туманларнинг “Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказ”лари ўз ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида фаолият олиб борадилар. Қўрғонтепа туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳам бундан мустасно эмас. Демак, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг ички ва ташқи муҳит билан алоқада бўлиши ҳам шунга мувофиқ тарзда амалга оширилади. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг ички муҳитдаги алоқалари ана шу марказга қарашли бўлимлар билан бевосита боғлиқдир. Зеро, марказ фаолиятини ташкил этувчи мавжуд бўлимларнинг ўзаро алоқалари асосида шаклланади. Меҳнат ресурсларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизларни рўйхатга олиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш каби бўлимларнинг ўзаро алоқадорликда фаолият юритиши марказдаги ички алоқаларнинг йўлга қўйилгани ва мустаҳкамланганлигини билдиради.

Қўрғонтепа туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази Андижон вилояти ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармасига бўйсунди ва бевосита у билан узвий ташқи алоқани олиб боради. Марказ ўз ҳуқуқи доирасида буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Шу билан бирга марказ, ўз ҳуқуқи доирасида тасаруфидаги ташкилот ҳамда муассасасалардаги қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрларнинг тўғри қўлланилишини амалга оширади.

Қўрғонтепа туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида марказ бошлиғи лавозими бўйича марказ

ўринбосари, марказнинг бўлим бошлиқларидан иборат таркибда кенгаш тузилган. Марказ бошлиғи кенгаш раиси бўлиб ҳисобланади.

Кенгаш аъзолари Андижон вилояти ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Ундан ташқари марказ, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, ўзининг ички ва ташқи алоқаларини кичик корхоналар, хорижий инвестициялар ҳамда кадрлар тайёрлаш жараёнлари билан ҳам йўлган қўйилган.

Чунки тумандаги меҳнат ресурсларини ишга жойлаш, уларнинг даражаси, сифат кўрсаткичлари бевосита иқтисодиётнинг қуйи бўғини ҳисобланган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари билан боғлиқ. Бу соҳалар бир-бирини тўлдириб, бир-бирини тақозо қилувчи соҳалар ҳисобланади.

Шу сабабли ҳозирда Қўрғонтепа туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ана шу соҳалар билан алоқани мустаҳкамлашга, туманда улар асосида статистик маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилишга катта эътибор бермоқда.

2.2. Кўрғонтепа туманида аҳоли, меҳнат ресурслари ва бандлик даражасининг ҳолати таҳлили

Мамлакатимизда бозор ислохотларини амалга оширишда бир қатор минтақавий иқтисодий муаммолар ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда, асосан минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фарқлар ва шубҳа минтақаларнинг ўзига хос алоҳида хусусиятлари сабаб бўлмоқда. Минтақавий меҳнат бозори фаолияти бугунги кунда, минтақалардаги ялпи ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилишини ҳисобга олсак, меҳнат бозорини минтақада самарали ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Меҳнат бозори иш билан бандликни тартибга солишда фаол роль ўйнаб, меҳнат бозорида асосий миллий ресурс ишчи кучи шаклланади ва минтақадаги халқ хўжалиги тармоқлари ва фирмалар бўйича тақсимланади.

Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, меҳнат бозори-бозор иқтисодиётининг энг муҳим таркибий қисмидир ва унинг доирасида бўладиган жараёнларни тартибга олиш, меҳнатга лаёқатли аҳолини самарали иш билан таъминлашга, уларнинг фойдали натижаларини адолатли баҳолашга, ишсизликни бартараф этишга, иш билан бандликнинг умумиқтисодий муаммоларини илмий асосда ҳал қилишга ва гу тариха миллий иқтисодиётни ўзига хос ривожлантириш имкниятини яратадиган объектив асосдир. Муҳими, меҳнат бозорини шаклланишида унинг Ўзбекистонга хос бир қатор хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Ўз навбатда шуни инобатга олиш керакки. Меҳнат бозорини ўрганиш, унинг қонунларига риоя қилиш ўзига хос мақсад эмас, албатта. Бундан мақсад ҳақиқий эркин рақобатга асосланган ижтимоий ривожланган иқтисодиётни шакллантиришни, бунда иқтисодий ҳаракатни белгиловчи асосий ишлаб чиқара олиши-меҳнат ресурсларини исталган давр умум эҳтиёжига асосланган ҳолда оқилона тармоқлараро тақсимлашни таъминлаш ва шу тақсимлаш доирасида унинг ҳақиқий реал қийматини тўғри

белгилашдир. Бу нарса фақат давлат томонидан тартибга солинадиган меҳнат бозори шакллангандагина рўёбга чиқиши мумкин.

Бунга асосан Қўрғонтепа туманида бандликка кўмаклашиш ва аҳолини иштимой муҳофаза қилиш маркази томонидан ҳудудий дастур ишлаб чиқилган бўлиб, энг аввало меҳнат бозорида аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромадларини доимий равишда ошириб боришга қаратилаётган тадбирлар туфайли туманда аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб бормоқда. Хусусан, 2012 йил 1 январь ҳолатига туман аҳолиси 185,9 минг кишини ташкил этган бўлиб, вилоят аҳолисининг 6,8 фоизи истиқомат қилади. Шулардан аҳолининг 33,5 фоизи ёки 62,3 минг киши шаҳарда, 66,5 фоизи ёки 123,6 минг киши қишлоқда яшайдилар. Туман аҳолисининг 92,5 минг киши аёллар, яъни 49,8 фоизини, 93,4 минг киши эркаклар, яъни 50,2 фоизини ташкил этади. Буларнинг 167,4 минг киши ўзбеклар, 3,5 минг киши руслар, 2,2 минг киши татарлар, 5,9 минг киши қирғизлар, 0,2 минг киши қozoқлар, 1,4 минг киши тожиклар, 5,3 минг киши бошқа миллатлар ташкил этади.

Ер майдони 475 кв.км. Аҳолисининг зичлиги 391,4 киши ҳар 1 кв. км.га тўғри келади. Туманда 74 та маҳалла фуқаролар йиғини, 2 та саноат корхоналари, 3 та қўшма корхоналар, 811 та фермер хўжаликлари, 2650 та кичик корхоналар ва микрофирмалар, 59 та умумтаълим мактаблари, 7 та касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатади.

Мана шу фикрларимизнинг далили сифатида Қўрғонтепа туманида аҳолиси сонини таҳлил қилиб чиқамиз (2.2.1-жадвал).

Қўрғонтепа тумани аҳолиси 2009 йилда 173,0 минг кишини, 2010 йилда 179,4 минг кишини, 2011 йилда 185,9 минг кишини ташкил этган. 2011 йилда туман аҳолиси сони 2009 йилга нисбатан 12,9 минг кишига ёки 7,4 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич 6,5 минг кишига ёки 3,6 фоизга ортган. Демак, аҳоли сони 3 йил давомида ўсиб борган. Бунга сабаб аҳолининг табиий ўсиши ҳисобланади.

Туман аҳолисининг шаҳарда 2009 йилда 59,9 минг киши, 2010 йилда 61,7 минг киши, 2011 йилда 62,3 минг киши истиқомат қилган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан шаҳарда истиқомат қилган аҳоли сони 2,4 минг кишига ёки 4,0 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич 0,6 минг кишига ёки 1,0 фоизга кўпайган. Охириги 3 йил давомида шаҳарда яшовчи аҳоли сони умумий аҳоли сонинг 34,6 фоиздан 33,5 фоизга қадар ўзгарганини кўришимиз мумкин.

2.2.1-жадвал

Кўрғонтепа тумани аҳолиси сони таҳлили (минг киши)

№	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йил		2011 йил	
					2009 йил		2011 йил	
					+	-	+	-
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.	Аҳоли сони	173,0	179,4	185,9	12,9	107,4	6,5	103,6
	Шундан: (фоизда)	100	100	100				
2.	Шаҳарда	59,9	61,7	62,3	2,4	104,0	0,6	101,0
	(фоизда)	34,6	34,4	33,5				
3.	Қишлоқда	113,1	117,7	123,6	10,5	109,3	5,9	105,0
	(фоизда)	65,4	65,6	66,5				
4.	Аёллар	87,6	89,8	92,5	4,9	105,6	2,7	103,0
	(фоизда)	50,6	50,1	49,8				
5.	Эркаклар	85,4	89,6	93,4	8,0	109,4	3,8	104,2
	(фоизда)	49,4	49,9	50,2				


Манба: Кўрғонтепа тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг йиллик ҳисоботлари кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб йўли билан тайёрланди.

Аҳолининг қишлоқда яшовчилар сони 2009 йилда 113,1 минг кишини, 2010 йилда 117,7 минг кишини, 2011 йилда 123,6 минг кишини ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан қишлоқда яшовчи аҳоли сони 10,5 минг кишига ёки 9,3 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич

5,9 минг кишига ёки 5,0 фоизга кўпайган. Охириги 3 йил ичида қишлоқда яшовчи аҳолининг сони умумий аҳоли сонига нисбатан салмоғи 65,4 фоиздан 66,5 фоизга қадар ўзгарган.

Туман аҳолисининг 2009 йилда 87,6 минг кишини, 2010 йилда 89,8 минг кишини, 2011 йилда 92,5 минг кишини аёллар ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 4,9 минг кишига ёки 5,6 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 2,7 минг кишига ёки 3,0 фоизга кўпайган. Аҳоли таркибида аёллар салмоғи охириги 3 йил давомида 50,6 фоиздан 49,8 фоизга қадар ўзгарган.

Аҳоли таркибида эркаклар сони 2009 йилда 85,4 минг кишини, 2010 йилда 89,6 минг кишини, 2011 йилда 93,4 минг кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 8,0 минг кишига ёки 9,4 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 3,8 минг кишига ёки 4,2 фоизга кўпайган. Аҳоли таркибида эркаклар салмоғи охириги 3 йил давомида 49,4 фоиздан 50,2 фоизга қадар ўзгарган. Охириги уч йил давомида Кўрғонтепа тумани аҳолиси сонининг ўзгариши (2.2.1-расм).



2.2.1-расм. Кўрғонтепа тумани аҳолиси сонининг ўзгариши.

Кўрғонтепа туманида меҳнат ресурсларининг тармоқлар бўйича бандлик ҳолати таҳлилини қилиб чиқамиз (2.2.2-жадвал).

Меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг ўз руҳийфизиологик ва ақлий сифатлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга ёки хизматлар кўрсатишга қодир бўлган меҳнатга лаёқатли қисмидир. Улар таркибига фақат

иқтисодий фаол аҳолигина эмас, шу билан бирга ҳозирги пайтда ишламаётган ва иш қидирмаётган меҳнатга қобилиятли шахслар, шу шумладан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётганлар ҳам киритилади. Меҳнат ресурслари иқтисодиётда меҳнат билан банд бўлган; банд бўлмаса ҳам меҳнат қилишлари мумкин бўлган кишиларни ҳам қамраб олади. Бошқача айтганда, меҳнат ресурслари ҳақиқий (реал) ва потенциал ходимлардир.

2.2.2-жадвал


Кўрғонтепа туманида меҳнат ресурсларининг тармоқлар бўйича бандлик ҳолати таҳлили (минг киши)

№	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йил		2011 йил	
					2009 йил		2010 йил	
					+	-	+	-
						%		%
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.	Меҳнат ресурслари	107,3	112,0	116,1	8,8	108,2	4,1	103,7
	Шу жумладан:							
	Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли	106,8	111,4	115,2	8,4	107,9	3,8	103,4
2.	Меҳнат ресурсларининг тақсимланиши							
а).	Иқтисодий фаол аҳоли	102,4	108,3	112,7	10,3	110,0	4,4	104,1
	Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли	97,2	101,7	105,6	8,4	108,6	3,9	103,8
		100,0	100,0	100,0				
	Моддий ишлаб чиқариш соҳаларида	70,6	70,9	71,4	0,8	101,1	0,5	100,7
		72,6	69,7	67,6				
	Номоддий ишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида	26,6	30,8	34,2	7,6	128,6	3,4	111,0
		27,4	30,3	32,4				
б).	Иқтисодий нофаол аҳоли сони, жами	4,9	3,7	3,4	-1,5	69,4	-0,3	91,9

Манба: Кўрғонтепа тумани Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг йиллик ҳисоботлари кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб йўли билан тайёрланди.

Аҳолини иш билан бандлигини таҳлил қилишда баланс услубининг асосий вазифалари меҳнат ресурсларининг бандлик ҳолатига, аҳоли табиий ва механик ҳаракатларининг ўзгаришларига, меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлигининг сони ва тузилишига, буюмлашган ва жонли меҳнатнинг сарфланишини тақсимлаш ва фойдаланиш даражасига, иш жойларининг миқдори ва тузилишига, меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигига, ходимлар касб-малака таркиби шаклланишининг манбалари ва кўламларига, ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг бузилиши шароитларида меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларига таъсир қилувчи омилларни ҳар тарафлама ҳисобга олиш ва комплекс таҳлил қилишдан иборат. Ушбу услуб қуйидаги ўзаро боғлиқ тизимлардан ташкил топади: меҳнат ресурслари баланси, меҳнат ресурсларининг ҳаракати ва меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари, меҳнат бўйича баланс ҳисоб-китоблари ҳамда иш жойлари ва меҳнат ресурсларининг йиғма баланслари.

Меҳнат ресурслари иқтисодий фаол аҳоли ва иқтисодий нофаол аҳолига бўлинади. Меҳнат ресурслари 2009 йилда 107,3 минг кишини, 2010 йилда 112,0 минг кишини, 2011 йилда 116,1 минг кишини ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан меҳнат ресурслари сони 8,8 минг кишига ёки 8,2 фоизга кўпайган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич 4,1 минг кишига ёки 3,7 фоизга ортган. Меҳнат ресурсларинининг тақсимланиши (2.2.2-расм) тасвирланган.



2.2.2-расм. Меҳнат ресурсларининг тақсимланиши.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 2009 йилда 106,8 минг кишини, 2010 йилда 111,4 минг кишини, 2011 йилда 115,2 минг кишини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 8,4 минг кишига ёки 7,9 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 3,8 минг кишига ёки 3,4 фоизга кўпайган.

Иқтисодий фаол аҳоли сони 2009 йилда 102,4 минг кишини, 2010 йилда 108,3 минг кишини, 2011 йилда 112,7 минг кишини ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан иқтисодий фаол аҳоли сони 10,3 минг кишига ёки 10,0 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич 4,4 минг кишига ёки 4,1 фоизга кўпайган.

Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 2009 йилда 97,2 минг кишини, 2010 йилда 101,7 минг кишини, 2011 йилда 105,6 минг кишини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 8,4 минг кишига ёки 8,6 фоизга кўпайган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич 3,9 минг кишига ёки 3,8 фоизга ортган.

Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони ўз навбатида моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳа тармоқларига бўлинади. Моддий ишлаб чиқаришда бандлик 2009 йилда 70,6 минг кишини, 2010 йилда 70,9 минг кишини, 2011 йилда 71,4 минг кишини ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан моддий ишлаб чиқаришда бандлик кўрсаткичи 0,8 минг кишига ёки 1,1 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич 0,5 минг кишига ёки 0,7 фоизга кўпайган. Демак Қўрғонтепа туманида моддий ишлаб чиқариш соҳаларида бандлик охириги 3 йил давомида ортиб борган.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида бандлик кўрсаткичи 2009 йилда 26,6 минг кишини, 2010 йилда 30,8 минг кишини, 2011 йилда 34,2 минг кишини ташкил этган бўлиб, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 7,6 минг кишига ёки 28,6 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 3,4 минг кишига ёки 11,0 фоизга кўпайган.

Демак, номоддий ишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида бандлик оҳирги уч йил давомида ошиб борган. Оҳирги 3 йил давомида моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида бандлик иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонида уларнинг улуши қуйидагича бўлган: моддий ишлаб чиқариш соҳаларида бандликнинг улуши 2009 йилда 72,6 фоизни, 2010 йилда 69,7 фоизни, 2011 йилда 67,6 фоизни ташкил этган. Номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида 2009 йилда 27,4 фоизни, 2010 йилда 30,3 фоизни, 2011 йилда 32,4 фоизни ташкил этди. Демак, моддий ишлаб чиқариш соҳаларида бандликнинг улуши камайганлигини, номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида бандликнинг улуши ортиб бораётганлигини кўришииз мумкин.

Иқтисодий нофаол аҳоли сони 2009 йилда 4,9 минг кишини, 2010 йилда 3,7 минг кишини, 2011 йилда 3,4 минг кишини ташкил этган бўлиб, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 1,5 минг кишига ёки 30,6 фоизга камайган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 0,3 минг кишига ёки 8,1 фоизга камайган. Демак, иқтисодий нофаол аҳоли сони оҳирги 3 йил давомига пасайиб борган.

2.3. Туманда ишсизлик ҳолати таҳлили

Ишсизлик даражаси мамлакат иқтисодиёти қай даражада тарққий этганлигининг ҳамда иқтисодиётда содир бўлаётган ўзгаришларнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. “Ишсизлик даражаси” деганда ишсизлар сонинг иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги салмоғи тушунилади.

Республикада ишсизлик даражасини бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида рўйхатдан ўтган ишсизлар сонининг иқтисодий фаол аҳоли умумий сонига нисбатан олиб ҳисоблаш мумкин.

Ишсизлик даражасига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади: меҳнат ҳақининг пастлиги, меҳнат шароитлари яхши эмаслиги, иш ҳақининг вақтида берилмаслиги, иш жойларини қисқартиришлар ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари барқарорлашган даврда ишсизликнинг бўлиши иабий ҳолатдир. Чунки ишчи кучига бўлган талабнинг таклифига мос келиши оқилона бандликни шакллантириб, жамият учун табиий бўлган ишсизлик даражасини таркиб топтиради.

Иш билан банд бўлмаган шахсларни янги касбларга ўргатиш, малакасини ошириш, моддий ёрдам бериш ва иш жойларини тавсия этиш бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан амалга ошириладиган ижтимоий тадбирларнинг энг муҳими ҳисобланади.

Кўрғонтепа тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига иш сўраб мурожаат этган фуқароларни ишга жойлаштириш ва янги яратиладиган иш ўринлари мониторингини юритиш бўйича қуйидагилар ишлар амалга (2.3.1-жадвал) оширилди:

1.Кўрғонтепа тумани “Бандликка кўмаклашиш ва ижтимоий муҳофаза қилиш маркази”га иш сўраб мурожаат қилган фуқаролар сони 2009 йилда 3763 кишини, 2010 йилда 4048 кишини, 2011 йилда 4219 кишини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 456 кишига ёки 12,1 фоизга ортган.

2.3.1-жадвал

Қўрғонтепа тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига иш сўраб мурожаат этган фуқароларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йил 2009 йил		2011 йил 2010 йил	
					+	-	+	-
1.	Иш сўраб мурожаат қилган фуқаролар сони (киши)	3763	4048	4219	456	112,1	171	104,2
2.	Йўлланма билан ишга жойлашганлар сони (киши)	3425	3650	3552	127	103,7	98	97,3
3.	Ишсиз мақомига олганлар сони (киши)	195	246	279	84	143,1	33	113,4
4.	Муддатидан олдин нафақага чиқарилганлар сони (киши)	40	37	58	18	145	21	156,7
5.	Касбга ўқитиш ва малакасини оширишга йўлланганлар сони (киши)	62	75	83	21	133,9	8	110,7
6.	Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўлланганлар сони (киши)	233	235	238	5	102,1	3	101,3
7.	Ишсизлик нафақаси тайинланганлар сони (киши)	20	22	25	5	125,0	2	113,6
8.	Корхоналарда мавжуд иш ўринлари (ўрин)	300	328	349	49	116,3	21	106,4

Манба: Қўрғонтепа тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг йиллик ҳисоботлари кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб йўли билан тайёрланди.

2011 йилда 2010 йилда 171 кишига ёки 4,2 фоизга кўпайган.

2.Йўлланма билан ишга жойлашганлар сони 2009 йилда 3425 кишини, 2010 йилда 3650 кишини, 2011 йилда 3552 кишини ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 127 кишига ёки 3,7 фоизга кўпайган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 98 кишига ёки 2,7 фоизга камайган.

3.Ишсиз мақомини олганлар сони 2009 йилда 195 кишини, 2010 кишини 246 кишини, 2011 йилда 279 кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 84 кишига ёки 43,1 фоизга кўпайган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 33 кишига ёки 13,4 фоизга ортган.

4.Муддатидан олдин нафақага чиқарилганлар сони 2009 йилда 40 кишини, 2010 йилда 37 кишини, 2011 йилда 58 кишини ташкил этиб, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 18 кишига ёки 45 фоизга кўпайган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 21 кишига ёки 56,7 фоизга ортган.


5.Касбга ўқитиг ва малакасини оширишга йўлланганлар сони 2009 йилда 62 кишини, 2010 йилда 75 кишини, 2011 йилда 83 кишини ташкил этди. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 21 кишига ёки 33,9 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 8 кишига ёки 10,7 фоизга кўпайган.

6.Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўлланганлар сони 2009 йилда 233 кишини, 2010 йилда 235 кишини, 2011 йилда 238 кишини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 5 кишига ёки 2,1 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 3 кишига ёки 1,3 фоизга кўпайган.

7.Ишсизлик нафақаси тайинланганлар сони 2009 йилда 20 кишини, 2010 йилда 22 кишини, 2011 йилда 25 кишини ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 5 кишига ёки 25,0 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 2 кишига ёки 13,6 фоизга кўпайган.

8.Корхоналарда мавжуд иш ўринлари сони 2009 йилда 300 тани, 2010 йилда 328 тани, 2011 йилда 349 тани ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 49 та ўринга ёки 16,3 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 21 та ўринга ёки 6,4 фоизга кўпайган.

Кўрғонтепа тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига иш сўраб мурожаат этган фуқароларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш ҳолати (2.3.1-расм) тасвирланган.



2.3.1-расм. Қўрғонтепа тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига иш сўраб мурожаат этган фуқароларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш ҳолати.

Туман аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда тадбиркорликни турли шакллари кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради.

Саноат корхоналари соҳаларида тадбиркорликни ривожлантириш оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини яратади. Бу ўз навбатида, кичик ишлаб чиқариш корхоналар иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва баъзи бир хизматлар кўрсатишни ташкил этиш орқали йирик корхоналар салмоғи ошиши ўз навбатида меҳнат ресурсларини бандлик даражасини ошишига таъсир этади.

Иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган бозорни бошқариш сиёсати уч асосий мақсадга эришишни назарда тутади:

- 1.Таркибий қайта қуришни рағбатлантириш ва бўшаб қолган ходимларни қайта тақсимлаш жараёнини жадаллаштириш;
- 2.Ишсизларни тезлик билан ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш;
- 3.Иш қидираётганларни иш билан таъминлаш.

Шулардан хулоса қилган ҳолда, туманда уч йил мобайнида соҳа йўналишлари бўйича фуқароларга яратилаётган янги иш ўринлари динамикасини таҳлил қилиб кўрайлик (2.3.2-жадвал).

Фуқароларга янги иш ўринларини яратилиши бўйича:

Фуқароларга яратилаётган янги иш ўринлари сони 2009 йилда 4506 та ўринни, 2010 йилда 5053 та ўринни, 2011 йилда 5540 та ўринни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 1034 та ўринга ёки 22,9 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 487 та ўринга ёки 9,6 фоизга кўпайган.

Шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:

1.Янги объектларни ишга тушуриш ҳисобига 2009 йилда 472 та ўринни, 2010 йилда 501 та ўринни, 2011 йилда 598 та ўринни ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 126 та ўринга ёки 26,7 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 97 та ўринга ёки 19,4 фоизга кўпайган.

2.Корхоналарни қайта қуриш, кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан учунли фойдаланиш ҳисобга 2009 йилда 576 та ўринни, 2010 йилда 603 та ўринни, 2011 йилда 687 та ўринни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилда 111 та ўринга ёки 19,3 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 84 та ўринга ёки 13,9 фоизга кўпайган.

3.Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига 2009 йилда 694 та ўринни, 2010 йилда 756 та ўринни, 2011 йилда 811 та ўринни ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 117 та ўринга

2.3.2-жадвал

**Қўрғонтепа туманида соҳа йўналишлари бўйича фуқароларга
яратилаётган янги иш ўринлари динамикаси таҳлили (ўрин)**

№	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йил 2009 йил		2011 йил 2010 йил	
					+;-	%	+;-	%
1	2	3	4	5	6	7	8	9
	Фуқароларга яратилаётган янги иш ўринлари жами	4506	5053	5540	1034	122,9	487	109,6
	Шу жумладан куйидагилар ҳисобига:							
1.	Янги объектларни ишга тушуриш	472	501	598	126	126,7	97	119,4
2.	Корхоналарни қайта қуриш, кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш	576	603	687	111	119,3	84	113,9
3.	Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташқил этиш	694	756	811	117	116,8	55	107,3
4.	Юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорликни ривожлантириш	608	673	690	82	113,5	17	102,5
5.	Янги ва фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларида	683	748	805	122	117,9	57	107,6
6.	Уй меҳнатини ташқил этиш жами	694	768	852	158	122,8	84	110,9

Жадвал давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9
	Шундан:							
I.	Меҳнат шартномаси асосида касаначилиқни ташқил этиш жами:	473	537	651	178	137,6	114	121,2
а)	Йирик саноат корхоналарида	200	246	295	95	147,5	49	119,9
б)	Бошқа йирик корхоналарда	156	169	204	48	130,8	35	120,7
в)	Кичик саноат корхоналарида	117	122	152	35	129,9	30	124,6
II.	Пудрат шартномаси асосида	471	499	567	96	120,4	68	113,6
III.	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш	543	584	602	59	110,9	18	103,1
7.	Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш	327	408	465	138	142,2	57	114,0
8.	Бозор инфратузилмаларини ривожлантириш	452	596	632	180	139,8	36	106,0

Манба: Кўрғонтепа тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
марказининг йиллик ҳисоботлари кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб йўли
билан тайёрланди

ёки 16,8 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 55 та ўринга ёки 7,3 фоизга кўпайган.

4.Юридик шахс мақомига эга бўлган табдиркорликни ривожлантириш ҳисобига 2009 йилда 608 та ўринни, 2010 йилда 673 та ўринни, 2011 йилда 690 та ўринни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 82 та ўринга ёки 13,5 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 17 та ўринга ёки 2,5 фоизга кўпайган.

5.Янги ва фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳисобига 2009 йилда 683 та ўринни, 2010 йилда 748 та ўринни, 2011 йилда 805 та ўринни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 122 та ўринга ёки 17,9 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 57 та ўринга ёки 7,6 фоизга кўпайган.

6.Уй меҳнатини ташкил этиш ҳисобига 2009 йилда 694 та ўринни, 2010 йилда 768 та ўринни, 2011 йилда 852 та ўринни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 158 та ўринга ёки 22,8 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 84 та ўринга 10,9 фоизга кўпайган.

Шундан:

1.Меҳнат шартномаси асосида касаначиликни ташкил қилиш ҳисобига 2009 йилда 473 та ўринни, 2010 йилда 537 та ўринни, 2011 йилда 651 та ўринни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 178 та ўринга ёки 37,6 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 114 та ўринга ёки 21,2 фоизга кўпайган.

а) Йирик саноат корхоналарида 2009 йилда 200 та ўринни, 2010 йилда 246 та ўринни, 2011 йилда 295 та ўринни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 95 та ўринга ёки 47,5 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 49 та ўринга ёки 19,9 фоизга кўпайган;

б) Бошқа йирик корхоналарида 2009 йилда 156 та ўринни, 2010 йилда 169 та ўринни, 2011 йилда 204 та ўринни ташкил этган. 2011 йилда 2009

йилга нисбатан бу кўрсаткич 48 та ўринга ёки 30,8 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 35 та ўринга ёки 20,7 фоизга кўпайган;

в) Кичик саноат корхоналарида 2009 йилда 117 та ўринни, 2010 йилда 122 та ўринни, 2011 йилда 152 та ўринни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 35 та ўринга ёки 29,9 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 30 та ўринга ёки 24,6 фозга кўпайган.

II.Пудрат шартномаси асосида 2009 йилда 471 та ўринни, 2010 йилда 499 та ўринни, 2011 йилда 567 та ўринни таашкил этган ҳолда, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 96 та ўринга ёки 20,4 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 68 та ўринга ёки 13,6 фоизга кўпайган.


III.Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 2009 йилда 543 та ўринни, 2010 йилда 584 та ўринни, 2011 йилда 602 та ўринни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 59 та ўринга ёки 10,9 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 18 та ўринга ёки 3,1 фоизга кўпайган.

7.Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига 2009 йилда 327 та ўринни, 2010 йилда 408 та ўринни, 2011 йилда 465 та ўринни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 138 та ўринга ёки 42,2 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 57 та ўринга ёки 14,0 фоизга кўпайган.

Бозор инфратузилмаларини ривожлантириш ҳисобига 2009 йилда 452 та ўринни, 2010 йилда 596 та ўринни, 2011 йилда 632 та ўринни ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 180 та ўринга ёки 39,8 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 36 та ўринга ёки 6,0 фоизга кўпайган.

Қўрғонтепа туманида соҳа йўналишлари бўйича фуқароларга яратилаётган янги иш ўринлари динамикаси (2.3.2-расм) тасвирланган.

Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат шароитларини белгилаш, у ёки бу ижтимоий муносабатларни, ижтимоий меҳнат мажароларини ҳал



2.3.2-расм. Қўрғонтепа туманида соҳа йўналишлари бўйича фуқароларга яратилаётган янги иш ўринлари динамикаси

этиш бўйича иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатлар марказий ўринни эгаллайди.

Меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг оқилона бандлигини шакллантириш фақат меҳнат бозорининг самарали ривожланиш ва иқтисодиётнинг барча секторларида таркибий ислохотлар ўтказиш асосида амалга ошириш мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотларга асосланиб, туманда ҳар бир меҳнат захиралари ва иш ўринлари сонининг ҳам сифат, ҳам сон жиҳатдан ўсишига эришиш, янги тараққий этган тармоқлар ва фаолият турларини ривожлантириш йўли билан меҳнат қонунчилигига асосан, кафолатланган иш жойларини барпо этиб, иш билан бандликни таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширилиши ва бунга таъсир этувчи жараёнларни мунтазам назорат қилиб борилиши, ишчи кучи таклифини унга бўлган талабдан бир неча баробар ошиб кетмаслигига замин яратади.


3-БОБ. Янги иш ўринларини яратиш орқали ишсизликни камайтириш йўллари

3.1. Ишсизликдан ҳимоялаш сиёсати

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида, умуман, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим шарти сифатида иш билан бандлик ва ишсизликдан ҳимоялаш сиёсати дунёдаги кўпгина ривожланган мамлакатларнинг бой тажрибасига асослангандир. Аммо, бу тажрибаларнинг кўпчилиги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг туб моҳиятига татбиқан етарлича тўғри келавермайди. Аслини олганда, иш билан бандликнинг фаол сиёсатидан олдин яхши йўлга қўйилган ишсизларни ҳисобга олиш, рўйхатга олиш, ишсизларни самарали қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни ижтимоий ҳимоялаш услублари (пассив сиёсат) амалга оширилиши мамлакатда зарур эди (3.1.1-рasm). Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, ҳукумат ишсизларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлагандан кейингина, бошқа ишларга киритиши-дастлаб иш билан бандликни барқарорлаштириш (сақлаш)га, сўнгра унинг ўсишини рағбатлантиришга киришиши мумкин. Бунда иш билан бандликнинг ўсишини рағбатлантириш уч йўналишда амалга оширилади:

- тадбиркорлар билан ишлаш, масалан, янги иш жойлари яратилганда солиқ имтиёзларини бериш, ишсизларнинг иш излашларини фаоллаштириш;
- ишчи кучи таклифини рағбатлантириш;
- ёлланма ишчилар синфини меҳнат бозоридан чиқариш, ўз-ўзини банд қилишни рағбатлантириш.

Ўзбекистонда ишсизликнинг кескин кўпайиши иш билан бандлик сиёсатининг нормал эволюцияси йўлидан изчил боришга вақт қолдирмайди. Шунинг учун, иш билан бандликни таъминлашнинг хилма-хил дастурлари мўлжалланганларни давлатнинг ҳақиқий молиявий имкониятларини яхшилаб мувофиқлаштириб олмай, иш билан бандлик ишининг барча йўналишларини бир йўлга қамраб олишга уринмоқда. Фикримизча, энг аввало, иш билан бандлик сиёсатини амалга оширишга йўлланиладиган молиявий маблағларни



3.1.1-расм. Иш билан бандлик ва ишсизликдан ҳимоялаш сиёсатининг умумий тузилмасини.

мувофиқ тарзда тақсимлаб, меҳнат бозорини тартибга солишнинг умумдавлат ва минтакавий соҳаларини белгилаб олиш керак. Маҳаллий меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида ажратилган маблағларнинг ҳар бир сўмини иш билан бандликнинг ўсиши кўринишидаги самара билан қайтиши уни қаерга йўллаш кераклигини аниқлаш керак бўлади.

Иш билан бандлик сиёсатини амалга ошириш усуллари ҳам қайта кўриб чиқиши керак. Маълумки, ҳар қандай тартибга солиш жараёни, маъмурий ёки иқтисодий бўлиши мумкин бўлиб, шу жумладан, меҳнат бозорига ҳам тааллуқлидир. Тартибга солишнинг бу усуллари ўртасидаги чегара бозор механизмига аралашув даражаси чизиғи бўйлаб ўтади. Маъмурий усуллар меҳнат бозори ишига бевосита, баъзида ҳатто бозор механизмини бузиб аралашувни назарда тутди. Тартибга солишнинг иқтисодий усуллари буйруқ берадиган эмас, тавсиявий, рағбатлантириш усуллари асосида амалга ошади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойиллар асосида бўлиб, унда маълум даврда иқтисодиётни бошқаришда давлат томонидан тартибга солишнинг устуворлиги назарий ҳамда амалий жиҳатдан муҳим ўрин эгаллади ва шу билан бу бозор иқтисодиётида ўз-ўзини бошқариш ғоясини ҳам инкор этмади.

Шундай қилиб, иш билан бандликни тартибга солишнинг фаол иқтисодий усулларига қуйидаги тарбирларни киритиш мумкин:

- мамлакатдаги иқтисодий вазиятни умумий соғломлаштириш, инвестицион фаолликни рағбатлантириш, барқарорлаштириш ва кейинчалик иқтисодий ўсишга эришиш;

- иқтисодиётни нодавлат секторларини ривожлантириш ва кейгайтириш учун шарт-шароитларни яратиш, шу жумладан, кичик бизнес ва ўз-ўзини иш билан банд қилишни қўллаб-қувватлаш;

- иш билан бандликнинг оқил тузилмасини яратиш мақсадида касбий ўқитиш, қайта тайёрлаш ва маслаҳат беришни таъминлаш.

Мамлакатимизда ишсизлик муаммосини ҳал этишга меҳнат бозорини ташкил этиш аҳамияти жуда катта. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон аҳолисининг 55-60 фоизи, яъни 13-14 млн. киши меҳнат ресурсларини ташкил этади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаъа қилиш вазирлигининг ҳисоб-китобларига кўра ишсизликнинг реал даражаси иқтисодий фаол аҳоли сонинг 3,8-5,0 фоизи тўғри келади. Лекин мамлакатдаги ишсизлар сони бу кўрсаткичдан бирмунча юқори. Сабаби, ишсизлар сони бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига келиб тушган аризалар асосида белгиланади. Айни пайтда республикаимиз аҳолисининг асосий қисми, яъни 60 фоизга яқини қишлоқ ҳудудларида яшайди.

Қишлоқ жойларида меҳнатга яроқли аҳолини ўсиш суръатлари тезлашганлиги ҳамда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ишсизлик юзага келмоқда. Бунинг яна бир сабаби, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг мавсумий эканлигидир. Шу омиллар туфайли меҳнат бозорига энг кучли босим қишлоқ жойларида ишчи кучи таклифи томонидан юзага келмоқда.

Шундай экан, ушбу муаммони муваққиятли ҳал этишда мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади. Мақсадли дастур йўналишлари муаммо, мақсад мазмунидан келиб чиқиб номланиши ва йўналтирилиши мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ жойларда “Ишсизликни камайтириш мақсадли дастурлар” ёки “Мавсумий ишсизликни камайтириш мақсадли дастурлари” кабилар ана шуларга мисол бўла олади.

Мақсадли йўналтирилган дастурларда қуйидагиларга асосий эътибор қаратиш зарур бўлади:

- мақсадли;
- муддатли;
- бажарувчи ташкилот;

-амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни молиялаштириш манбалари.

Ишсизликни камайтириш борасида мақсадли дастурларининг бажарилишига жавобгар ташкилотларни аниқлаш ва уларни ваколатларини белгилаш муҳим бўлиб, улар қаторига вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси, унинг туманлардаги бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла кўмиталари кабиларни киритиш мумкин. Дастурни самарали бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар манбаи давлат ва нодавлат ташкилотларини ҳисобига молиялаштирилиши кўзланган натижаларга эришиш имкониятларини ошириши шубҳасиздир.

Юқоридаги дастурларни ишлаб чиқишдан кўзланган мақсад, барча қонуний йўллар асосида вақтинча бўш аҳолини унумли шуғулланишга имконият яратиб беришдир. Бундан кўпроқ эътиборни ишчи кучини экспортига қаратишимиз фойдали бўлади. Бундай фикрни билдирилишига асосий сабаб, ҳозирда мамлакатимизда яратилаётган янги иш ўринларида билан ишлашни хоҳловчилар орасидаги фарқ юқориликча қолмоқда. Бу ўз навбатида ишчи кучи етишмайдиган ҳудудларга жалб этиш механизмини яратишни тақозо этади. Бу ерда воситалардан фойдаланиш ҳам мумкин.

Шу билан бирга ишчи кучини жалб қилишда асосий вазифани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан бажарилишини таъминлаш зарур. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази давлат даражасида туриб халқаро шартномалар тузади ва шу асосда ишчи кучини четга чиқариш жараёни амалга оширилади. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази орқали четга чиқаришнинг энг аҳамиятли томони, ходимнинг иш билан таъминланиши, уй-жой ва бошқа маиший хизматлардан фойдаланиш кафолатланади, биринчи навбатда уларнинг хавфсизлиги таъминланади.

Ўзбек халқи азал-азалдан меҳнаткаш халқ, у ер билан ишлашга, меҳнат қилишда ҳеч қачон бўйин товламайди. Бободехқонларимиз яратган бу жаннатмакон диёрда барча нарсалар ижобий бўлади, фақатгина беминнат

меҳнатимиз орқалигина юксак ютуқларга эришамиз ва фаровон турмуш яратамиз.

Кўриниб турибдики, бу вазифаларни амалга ошириш бугун ҳам келажақда ҳам муҳим омил бўлиб, иш билан бандликни таъминлаш ишсизлик даражасининг камайишига имкон беради.

3.2. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш-ишсизликни камаййтиришнинг муҳим омили сифатида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади аҳолининг турмуш даражасини оширишга ва оилаларнинг иқтисодий мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилгандир. Иқтисодий ислохотлар олиб боришда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг янги имкониятлари яратилиб, унда янги усуллар қўлланиляпти. Ана шундай янги йўналишлардан бири сифатида оилавий тадбиркорлик ривожлантирилишини киритиш мумкин. Оила мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи тоифа бўлиб, оилада тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий фаровонлик таъминланишини кафолатлайди. Чунки оила аъзолари ўртасида тадбиркорлик фаолиятини шаклланиши ва ривожланиши, унинг мамлакат миқёсида кенг ривож топиши муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни, хусусан, оила даромадларининг кўпайиши, унинг аъзоларини иш билан таъминлаш масалаларини осонликча ҳал этиш имонини беради.

Маълумки, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида танланган. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида, “Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолимиз, оилаларни, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигини ошиб боришига эришишда айна шу соҳани тез ва жадал суръетлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири”²-дея таъкидладилар.

Оилавий тадбиркорлик ишсизликни бартараф этишнинг муҳим омили ҳисобланади. У оила аъзоларини биргаликда даромад келтирувчи муайян

² Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Халқ сўзи, 2010 йил, 8 декабрь.

фаолият билан шуғулланиш, ўз-ўзини иш билан таъминлашга ундайди. Оила аъзоларининг меҳнати ва мулкига таянган ҳолда даромад олишга сафарбар этади. Оила хўжалигининг асосий ва қўшимча даромад олиш манбасига айланади.

Оилавий тадбиркорлик ривожланиши мамлакатда ишсизликни бартараф этиш, бандлик даражасини ошириш, оила кўламида янги иш жойларини яратиш, ҳар бир оилада мавжуд ишсизларни иш билан банд қилиш имконини беради. Айниқса, қишлоқ ҳудудларида янги иш жойларини ташкил этиш ҳамда ёшларни иш билан банд қилиш муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ ижтимоий вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутаяди.

Оилавий тадбиркорлик эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган уларнинг умумий мулки негизида амалга ошириладиган ҳамда эр-хотиннинг ва уларга ёрдам берувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган юридик бўлмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги фаолияти ҳисобланади. Оила аъзолари эр-хотин, ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ҳамда 15 ёшдан ошган, шу жумладан фарзандликка олинган болалар қиради. Ушбу қарорга мувофиқ оила аъзоси 15 ёшга тўлган тақдирда оилавий тадбиркорликда қатнашиши мумкин, 16 ёшга тўлганлар буюмлар ёки товарларни тайёрлаш учун ҳунарманднинг шогирди сифатида жалб этиши мумкин. Қолаверса 18 ёшгача бўлган шахсларни меҳнатидан оилавий тадбиркорликда ёки ҳунармандчилик фаолиятида унинг саломатлиги, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларида фойдаланиш таъқиқланади. Кўрсатиб ўтилган ишларда 18 ёшдан кичик шахсларнинг белгиланган нормаларидан ортиқча оғирликдаги юкларни кўтаришда ва ташишига йўл қўйилмайди. 18 ёшгача бўлганлар оилавий тадбиркорликда, шунингдек, ҳунарднинг шогирди сифатида ишлашга умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейда албатта ўқиши шарт билан қўйилади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, улар фаолиятини оила аъзолари иштирокида ташкил этиш механизми қўлланилмоқда ва кейинги йилларда бу соҳаларда оилавий тартибда хўжалик фаолиятини юритиш шакли ривожланиб келмоқда. Бу табиий жараён, албатта, чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи ҳар бир тадбиркорликнинг фаолияти, энг аввало, инсонлар ўртасида ўзаро ишонч, эътиқод, ишнинг кўзини билишга қаратилган бўлади. Бундай ҳолатда тадбиркор, биринчи навбатда, ўзи яхши билан, таниган одамларга суянади. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бизнесменлар учун меҳнат ресурсларини ишга жалб қилишда адашмаслиги, ходимлар меҳнатини бошқариш ва ташкил қилишда танлаш ҳуқуқидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бундан тадбиркор кўп манфаат кўради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оилавий бизнесда янги иш жойларини яратиш бошқа соҳаларга қараганда анча арзон ва қулайлиги билан ажралиб туради.

Турли мулкчилик шакллари асосида яратилган ишчи ўринларининг қиймати турлича бўлади. Шунинг учун бандликнинг капитал сиғими ҳам фарқланади. Яъни энг қиммат ишчи ўринлари давлат ва аралаш мулкчилик шаклларида яратилса, энг арзон ишчи ўринлари эса хусусий секторда, айниқса, оилавий бизнесда ташкил этилади. Иқтисодиётда арзон иш жойларини яратиш имконияти енгил бўлган соҳаларда аҳолининг бандлик даражасини тез ўсиши кузатилади. Шу сабабдан, янги ташкил этилаётган иш жойларининг аксарият қисми кичик ва хусусий бизнес ҳисобига тўғри келмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда қишлоқ ҳудудларида аҳолининг табиий кўпайиш суръатлари шаҳар аҳолисига нисбатан анча юқоридир. Табиийки, бу ҳудудларда аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми, айниқса, қишлоқ оилаларида ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Умуман олганда, ўзбек оиласи

хар бир ишловчи аъзосига тўғри келадиган меҳнат қилиш ёшидан кичик бўлган болалар ва ўсмирлар кўпчилиги билан ажралиб туради. Мазкур ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзи мавжуд меҳнатга яроқли аҳолини ва ўсиб келаётган ёшларнинг барчасини иш билан таъминлай олиш имкониятига эга эмас.

Шу сабабли, меҳнат фаолиятининг бошқа соҳаларида янги иш жойларини ташкил чора-тадбирларини амалга ошириш зарурдир. Янги иш жойлари, аввало, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларда, мумкин қадар қишлоқ жойларида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу вазифаларни этиш қишлоқ ҳудудларини кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, қишлоқ оилаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда агроинфратузилмага хизмат кўрсатадиган тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш эвазига эришиш мумкин.

Туманда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини кўллаб-қувватлашга асосий сабаб бу фаолиятнинг мослашувчанлигидир. У бозор талабига кўра фаолиятини ўзгартиради ва унга мослашади. Бу фаолиятнинг ўзини тез тиклай олиш имконияти шундан иборатки, ушбу фаолият кўп сармоя талаб қилмайди ва шу туфайли уни ўзгартириш янги сармоя солиш манбаларини ахтариб топишни талаб қилмайди. Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик эвазига яратилган товарлар ва хизматлар маҳаллий бозорини истеъмол товарлари билан тўлдириш билан бир қаторда мамлакат экспорт салоҳиятида ҳам ўзига хос улушга эга бўлади.

Оилавий тадбиркорлик соҳаси фақат иқтисодий аҳамиятгагина эмас, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир. У истеъмол товарлари ишлаб чиқаради, бозорни улар билан тўлдиради, савдони ташкил қилади ва ишлаб чиқаришни истеъмол билан боғлайди. У, айниқса, қишлоқ жойларда ва кўп болали оилаларда ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлайди. Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилк фаолиятини амалга оширишга қаратилган диққат эътибор самараси ўлароқ 2011 йил бу

соҳада 79,5 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. 2012 йилда эса бу кўрсаткични янада ошириш режалаштирилмоқда.

Оилавий тадбиркорлик соҳасида кўп микдорда иқтисодий ресурс тўпланган бўлиб, ўзининг бозор сигментига эгаллиги, унга бўлган талабни узоқ муддатгача қондиришга хизмат қилиши, оила аъзоларини иш билан ва ўз маҳсулот билан таъмин эта олиши бу соҳани кўзга кўринарли қирраларидан ҳисобланади. Шу боисдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш бозорини ислоҳ қилишнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик бандликни таъминлашда, ижодкорликни юзага чиқаришда, иқтисодий тўқисликка олиб келишда ўзига хос барқарорлик ва жўшқинлик баҳс этувчи афзалликларга эга. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик фарзандларнинг меҳнатга бўлган қизиқишларини орттиришга, уларни касб-ҳунар қилиб тарбиялашга. Келажакда муставил ҳаёт йўлини ақл-идрок асосида қуришларига ёрдам беради.

Меҳнат шартномалари бўйича корхоналар билан кооперация асосидаги касаначиликни, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бандликни таъминлашнинг муҳим йўналиши бўлиб, бу қарийб 220 минг кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Шуни айтиш лозимки, аҳолининг турмуш фаровонлигини самарали таъминлаш учун, энг аввало ижтимоий муҳофазалаш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари тақомиллаштириш, янги шакллари жорий этиш, жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий сиёсатини шакллантиришга муҳим эътибор қаратиш лозим. Буни амалга оширишнинг усутвор йўналишлари эса қуйидагилардан иборатдир:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини янада риводлантириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожланиши учун янада янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш;

-жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган ёш оилавий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш;

-аҳолининг маълумотлилиқ даражасини янада ошириш;

-бозор инфратузилмасини такомиллаштириш;

-мавжуд норасмий тўсиқларни чеклаш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мақсадли-ҳудудий дастурлар тузиш ва уни амалга ошириш;

-уй меҳнати (касаначилиқ)ни ташкил этишни янада ривожлантириш.

Юқорида келтирилган чора-тадбирларни амалга оширилиши билан, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга эришиш мумкин бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш 2012 йил ва яқин истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва ҳуч муболағасиз энг муҳим шарти бўлиб қолади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ишсизлик ҳозирги вақтда жамиятнинг энг марказий муаммоларидан бири ҳисобланади. Зеро, юқори даражадаги ишсизлик-мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини ва натижада аҳоли даромадларининг пастлиги кўрсатади. Бу эса ижтимоий соҳада, оилавий муносабатларда вазиятнинг кескинлашуви ва жамият миқёсида норозиликнинг кўпайишига олиб келиши мумкин. Иш жойидан айрилиш кўп кишилар учун оилавий турмуш даражасини ёмонлашишининг, шахсий ҳаётининг нотинчлигини билдириб, одамга жиддий руҳий таъсир кўрсатади.

Ишсизлик шундай ҳодисаки, унда ишчи кучи иқтисодий фаол аҳолининг бир қисми сифатида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда банд бўлмайди. Ишсизлар бандлар билан бир қаторда мамлакат ишчи кучини ташкил қилади.

Амалиётдаги иқтисодий ҳаётда ишсизлик ишчи кучи таклифининг унга бўлган талабдан ошиб кетиши тарзида намоён бўлади.

Иқтисодий нуқтаи назардан ишсизлик дейилганда, ишчи кучининг иш жойи билан таъминланмаганлик ва натижада унинг бирон-бир қонуний даромад манбаига эга бўлмаслигининг муайян (аниқ) ҳолатига айтилади.

Биз Кўрғонтепа туман “Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази”нинг фаолиятини 2009-2010 йиллар маълумотлари асосида ўрганиб, таҳлил қилдик.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, Кўрғонтепа тумани аҳолиси 2009 йилда 173,0 минг кишини, 2010 йилда 179,4 минг кишини, 2011 йилда 185,9 минг кишини ташкил этган. 2011 йилда туман аҳолиси сони 2009 йилга нисбатан 12,9 минг кишига ёки 7,4 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич 6,5 минг кишига ёки 3,6 фоизга ортган. Демак, аҳоли сони 3 йил давомида ўсиб борган. Бунга сабаб аҳолининг табиий ўсиши ҳисобланади.

Туман аҳолисининг шаҳарда 2009 йилда 59,9 минг киши, 2010 йилда 61,7 минг киши, 2011 йилда 62,3 минг киши истиқомат қилган. 2011 йилда

2009 йилга нисбатан шаҳарда истиқомат қилган аҳоли сони 2,4 минг кишига ёки 4,0 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич 0,6 минг кишига ёки 1,0 фоизга кўпайган. Охириги 3 йил давомида шаҳарда яшовчи аҳоли сони умумий аҳоли сонинг 34,6 фоиздан 33,5 фоизга қадар ўзгарганини кўришимиз мумкин.

Аҳолининг қишлоқда яшовчилар сони 2009 йилда 113,1 минг кишини, 2010 йилда 117,7 минг кишини, 2011 йилда 123,6 минг кишини ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан қишлоқда яшовчи аҳоли сони 10,5 минг кишига ёки 9,3 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич 5,9 минг кишига ёки 5,0 фоизга кўпайган. Охириги 3 йил ичида қишлоқда яшовчи аҳолининг сони умумий аҳоли сонига нисбатан салмоғи 65,4 фоиздан 66,5 фоизга қадар ўзгарган.

Туман аҳолисининг 2009 йилда 87,6 минг кишини, 2010 йилда 89,8 минг кишини, 2011 йилда 92,5 минг кишини аёллар ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 4,9 минг кишига ёки 5,6 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 2,7 минг кишига ёки 3,0 фоизга кўпайган. Аҳоли таркибида аёллар салмоғи охириги 3 йил давомида 50,6 фоиздан 49,8 фоизга қадар ўзгарган.

Аҳоли таркибида эркаклар сони 2009 йилда 85,4 минг кишини, 2010 йилда 89,6 минг кишини, 2011 йилда 93,4 минг кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 8,0 минг кишига ёки 9,4 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 3,8 минг кишига ёки 4,2 фоизга кўпайган. Аҳоли таркибида эркаклар салмоғи охириги 3 йил давомида 49,4 фоиздан 50,2 фоизга қадар ўзгарган.

Меҳнат ресурслари 2009 йилда 107,3 минг кишини, 2010 йилда 112,0 минг кишини, 2011 йилда 116,1 минг кишини ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан меҳнат ресурслари сони 8,8 минг кишига ёки 8,2 фоизга кўпайган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич 4,1 минг кишига ёки 3,7 фоизга ортган.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 2009 йилда 106,8 минг кишини, 2010 йилда 111,4 минг кишини, 2011 йилда 115,2 минг кишини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 8,4 минг кишига ёки 7,9 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 3,8 минг кишига ёки 3,4 фоизга кўпайган.

Иқтисодий фаол аҳоли сони 2009 йилда 102,4 минг кишини, 2010 йилда 108,3 минг кишини, 2011 йилда 112,7 минг кишини ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан иқтисодий фаол аҳоли сони 10,3 минг кишига ёки 10,0 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич 4,4 минг кишига ёки 4,1 фоизга кўпайган.

Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 2009 йилда 97,2 минг кишини, 2010 йилда 101,7 минг кишини, 2011 йилда 105,6 минг кишини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 8,4 минг кишига ёки 8,6 фоизга кўпайган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич 3,9 минг кишига ёки 3,8 фоизга ортган.

Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони ўз навбатида моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳа тармоқларига бўлинади. Моддий ишлаб чиқаришда бандлик 2009 йилда 70,6 минг кишини, 2010 йилда 70,9 минг кишини, 2011 йилда 71,4 минг кишини ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан моддий ишлаб чиқаришда бандлик кўрсаткичи 0,8 минг кишига ёки 1,1 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич 0,5 минг кишига ёки 0,7 фоизга кўпайган. Демак Қўрғонтепа туманида моддий ишлаб чиқариш соҳаларида бандлик охириги 3 йил давомида ортиб борган.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида бандлик кўрсаткичи 2009 йилда 26,6 минг кишини, 2010 йилда 30,8 минг кишини, 2011 йилда 34,2 минг кишини ташкил этган бўлиб, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 7,6 минг кишига ёки 28,6 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 3,4 минг кишига ёки 11,0 фоизга кўпайган.

Демак, номоддий ишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида бандлик оҳирги уч йил давомида ошиб борган. Оҳирги 3 йил давомида моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида бандлик иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонида уларнинг улуши қуйидагича бўлган: моддий ишлаб чиқариш соҳаларида бандликнинг улуши 2009 йилда 72,6 фоизни, 2010 йилда 69,7 фоизни, 2011 йилда 67,6 фоизни ташкил этган. Номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида 2009 йилда 27,4 фоизни, 2010 йилда 30,3 фоизни, 2011 йилда 32,4 фоизни ташкил этди. Демак, моддий ишлаб чиқариш соҳаларида бандликнинг улуши камайганлигини, номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида бандликнинг улуши ортиб бораётганлигини кўришииз мумкин.

Иқтисодий нофаол аҳоли сони 2009 йилда 4,9 минг кишини, 2010 йилда 3,7 минг кишини, 2011 йилда 3,4 минг кишини ташкил этган бўлиб, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 1,5 минг кишига ёки 30,6 фоизга камайган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 0,3 минг кишига ёки 8,1 фоизга камайган. Демак, иқтисодий нофаол аҳоли сони оҳирги 3 йил давомига пасайиб борган.

Кўрғонтепа тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига иш сўраб мурожаат этган фуқароларни ишга жойлаштириш ва янги яратиладиган иш ўринлари мониторингини юритиш бўйича қуйидагилар ишлар амалга оширилди:

1.Кўрғонтепа тумани “Бандликка кўмаклашиш ва ижтимоий муҳофаза қилиш маркази”га иш сўраб мурожаат қилган фуқаролар сони 2009 йилда 3763 кишини, 2010 йилда 4048 кишини, 2011 йилда 4219 кишини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 456 кишига ёки 12,1 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилда 171 кишига ёки 4,2 фоизга кўпайган.

2.Йўлланма билан ишга жойлашганлар сони 2009 йилда 3425 кишини, 2010 йилда 3650 кишини, 2011 йилда 3552 кишини ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 127 кишига ёки 3,7 фоизга кўпайган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 98 кишига ёки 2,7 фоизга камайган.

3.Ишсиз мақомини олганлар сони 2009 йилда 195 кишини, 2010 кишини 246 кишини, 2011 йилда 279 кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 84 кишига ёки 43,1 фоизга кўпайган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 33 кишига ёки 13,4 фоизга ортган.

4.Муддатидан олдин нафақага чиқарилганлар сони 2009 йилда 40 кишини, 2010 йилда 37 кишини, 2011 йилда 58 кишини ташкил этиб, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 18 кишига ёки 45 фоизга кўпайган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 21 кишига ёки 56,7 фоизга ортган.

5.Касбга ўқитиг ва малакасини оширишга йўлланганлар сони 2009 йилда 62 кишини, 2010 йилда 75 кишини, 2011 йилда 83 кишини ташкил этди. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 21 кишига ёки 33,9 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 8 кишига ёки 10,7 фоизга кўпайган.

6.Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўлланганлар сони 2009 йилда 233 кишини, 2010 йилда 235 кишини, 2011 йилда 238 кишини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 5 кишига ёки 2,1 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 3 кишига ёки 1,3 фоизга кўпайган.

7.Ишсизлик нафақаси тайинланганлар сони 2009 йилда 20 кишини, 2010 йилда 22 кишини, 2011 йилда 25 кишини ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 5 кишига ёки 25,0 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 2 кишига ёки 13,6 фоизга кўпайган.

8.Корхоналарда мавжуд иш ўринлари сони 2009 йилда 300 тани, 2010 йилда 328 тани, 2011 йилда 349 тани ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 49 та ўринга ёки 16,3 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 21 та ўринга ёки 6,4 фоизга кўпайган.

Фуқароларга янги иш ўринларини яратилиши бўйича:

Фуқароларга яратилаётган янги иш ўринлари сони 2009 йилда 4506 та ўринни, 2010 йилда 5053 та ўринни, 2011 йилда 5540 та ўринни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 1034 та ўринга ёки 22,9 фоизга

ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 487 та ўринга ёки 9,6 фоизга кўпайган.

Шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:

1.Янги объектларни ишга тушуриш ҳисобига 2009 йилда 472 та ўринни, 2010 йилда 501 та ўринни, 2011 йилда 598 та ўринни ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 126 та ўринга ёки 26,7 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 97 та ўринга ёки 19,4 фоизга кўпайган.

2.Корхоналарни қайта қуриш, кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан учунли фойдаланиш ҳисобига 2009 йилда 576 та ўринни, 2010 йилда 603 та ўринни, 2011 йилда 687 та ўринни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилда 111 та ўринга ёки 19,3 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 84 та ўринга ёки 13,9 фоизга кўпайган.

3.Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига 2009 йилда 694 та ўринни, 2010 йилда 756 та ўринни, 2011 йилда 811 та ўринни ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 117 та ўринга ёки 16,8 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 55 та ўринга ёки 7,3 фоизга кўпайган.

4.Юридик шахс мақомига эга бўлган табдиркорликни ривожлантириш ҳисобига 2009 йилда 608 та ўринни, 2010 йилда 673 та ўринни, 2011 йилда 690 та ўринни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 82 та ўринга ёки 13,5 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 17 та ўринга ёки 2,5 фоизга кўпайган.

5.Янги ва фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳисобига 2009 йилда 683 та ўринни, 2010 йилда 748 та ўринни, 2011 йилда 805 та ўринни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 122 та ўринга ёки 17,9 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 57 та ўринга ёки 7,6 фоизга кўпайган.

6.Уй меҳнاتини ташкил этиш ҳисобига 2009 йилда 694 та ўринни, 2010 йилда 768 та ўринни, 2011 йилда 852 та ўринни ташкил этган бўлиб, бу

кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 158 та ўринга ёки 22,8 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 84 та ўринга 10,9 фоизга кўпайган.

Шундан:

I.Меҳнат шартномаси асосида касаначиликни ташкил қилиш ҳисобига 2009 йилда 473 та ўринни, 2010 йилда 537 та ўринни, 2011 йилда 651 та ўринни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 178 та ўринга ёки 37,6 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 114 та ўринга ёки 21,2 фоизга кўпайган.

а) Ёирик саноат корхоналарида 2009 йилда 200 та ўринни, 2010 йилда 246 та ўринни, 2011 йилда 295 та ўринни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 95 та ўринга ёки 47,5 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 49 та ўринга ёки 19,9 фоизга кўпайган;

б) Бошқа ёирик корхоналарида 2009 йилда 156 та ўринни, 2010 йилда 169 та ўринни, 2011 йилда 204 та ўринни ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 48 та ўринга ёки 30,8 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 35 та ўринга ёки 20,7 фоизга кўпайган;

в) Кичик саноат корхоналарида 2009 йилда 117 та ўринни, 2010 йилда 122 та ўринни, 2011 йилда 152 та ўринни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 35 та ўринга ёки 29,9 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 30 та ўринга ёки 24,6 фозга кўпайган.

II.Пудрат шартномаси асосида 2009 йилда 471 та ўринни, 2010 йилда 499 та ўринни, 2011 йилда 567 та ўринни таашкил этган ҳолда, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 96 та ўринга ёки 20,4 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 68 та ўринга ёки 13,6 фоизга кўпайган.

III.Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 2009 йилда 543 та ўринни, 2010 йилда 584 та ўринни, 2011 йилда 602 та ўринни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 59 та ўринга ёки 10,9 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 18 та ўринга ёки 3,1 фоизга кўпайган.

7.Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига 2009 йилда 327 та ўринни, 2010 йилда 408 та ўринни, 2011 йилда 465 та ўринни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 138 та ўринга ёки 42,2 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 57 та ўринга ёки 14,0 фоизга кўпайган.

Бозор инфратузилмаларини ривожлантириш ҳисобига 2009 йилда 452 та ўринни, 2010 йилда 596 та ўринни, 2011 йилда 632 та ўринни ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 180 та ўринга ёки 39,8 фоизга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 36 та ўринга ёки 6,0 фоизга кўпайган.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, туман аҳоли бандлигини ошириш учун қуйидаги таклифлар ўринли деб ҳисоблаймиз:

- туман шарт-шароитлардан келиб чиқиб, иқтисодий ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш;

- уй меҳнатини ва ҳунармандчиликни барча имкониятларини ташкил этиш орқали;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш жойларини кўпайтириш;

- саноат корхоналарида меҳнат шартномаси асосида касаначилик соҳасида иш жойларини кўпайтириш;

- оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига, янги иш ўринларини кўпайтириш;

- ишсизларни касбга тайёрлаш бўйича Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази қўшида ўқув марказларини ташкил этиш;

- ишсизларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш (ўқитиш, малака талаб қилмайдиган ишларга жалб этиш) ;

- касбга ўргатувчи ташкилотлар жавобгарлигини ошириш.

Юқоридаги таклифлар, туман меҳнат бозорида аҳолининг иш билан таъминланишида қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, аҳолининг андлиги ва унинг турмуш даражасини яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири), “Халқ сўзи”. 1998 йил, 22-май.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. Тошкент. “Иқтисодиёт ҳуқуқ дунёси”, 2007 йил.

2. Ўзбекистон республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури тўғрисидаги Қарори. “Халқ сўзи”, 2007 йил, 24-январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. “Халқ сўзи”, 2007 йил, 20-март, №55.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 6-апрелдаги ПҚ-616-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, №4.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 4-февралдаги “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлик бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. Нашр этувчи: Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппарати Ишлар Бошқармаси.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 6-апрелдаги ПҚ-616-сонли қарори амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, №5.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.-Тошкент. “Ўзбекистон”, 2005 йил.
9. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Тошкент. 13-том. “Ўзбекистон”, 2005 йил.
10. Каримов И.А. Эришилган бтукларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. “Халқ сўзи”, 2006 йил, 11-февраль.
11. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2007 йил.
12. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш-фаровон ҳаётимиз гаровидир. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2007 йил.
13. Каримов И.А. Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир.
14. Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”.-“Халқ сўзи”, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434). 3- бет.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

15. Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар. Тошкент. “Адолат”, 2000 йил.
16. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги “Меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш услубияти”. Ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2202 йил 31-январдаги 42-сонли Қарорига мувофиқ ишлаб чиқарилган. Тошкент, 2002 йил.
17. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги ва Молия Вазирлигининг “Бошқарув ходимларини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган ҳаражатларни мақбуллаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. Тошкент. “Финансовое законодательство Республики Узбекистан”, 2004 йил.
18. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиги бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами “Ўзбекистон”, 2006 йил.
19. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2007 йил. 4,5-сонлари.

6. Дарсликлар.

20. Волков А.М. “Швеция: социально-экономическая модель” – М.: “Мысль”, 1991 г.
21. Волгин Н.А. “Японский опыт решения экономических и социально-трудовых проблем” – М.: “Экономика”, 1998 г.
22. Владимирова Л.П. “Экономика труда” – М.: “Дашков и К”, 2000 г.
23. Шлендера П.Э., Кокина Ю.П. “Экономика труда”, – М.: “Юристъ”, 2002 г.
24. Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт)” (Олий ўқув юртлари учун дарслик), Т.: “Меҳнат” 2004 й.
25. Абдукаримов Т., Исраилов Б., Пардаев М. “Иқтисодий таҳлил” (Ўқув қўлланма) – Т.: “Меҳнат”. 2004 й.
26. Кен Хитер “Экономика отраслей и фирм” – М.: “Финансы и статистика”, 2004 г.
27. Смит Д. “Быть лучшим организатором своего времени” – М.: “ЛЮРИ”, 2004 г.
28. Коротнев В.Д., Винничек Л.Б., Когетова Г.Н. и др. “Организация и управление производством” – М.: “Колос С”, 2005 г.
29. Турсунов И., Усмонова М. “Меҳнат ҳуқуқи” – Т.: “Илм зиё”, 2006 й.
30. Гуровец О.Г., Радионова В.Н. “Теория организации” – М.: “РИОФ”, 2006 г.
31. Кибанова А.А. “Экономика и социология труда” – М.: “ИНФРА-М”, 2007 г.
32. Мумладзе Р.Г. “Экономика и социология труда” – М.: “КНОРУС”, 2007 г.
33. Одегов Ю.Г. “Экономика труда” – М.: “Альфа-Пресс”, 2007г.

7. Корхона маълумотлари.

34. Андижон вилояти Қўрғонтепа туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг 2009, 2010 ва 2011-йиллардаги йиллик статистик маълумотларидан фойдаланилган.

8. Интернет сайтлар.

35. <http://www.inesp.ru>
36. <http://www.books.jobber.ru>
37. <http://www.stat.ebiblioteka.ru>